

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚУМИТАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**«Автомобил йўллари, замин ва пойдеворлар» кафедраси**



**МУХАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ВА ГРУНТЛАР МЕХАНИКАСИ»  
ФАНИДАН ЛАБОРАТОРИЯ ХАМДА АМАЛИЙ ДАРСЛАРНИ ЎТИШ  
БЎЙИЧА**

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**5540800-« Автомобил йўллари ва аэродромлар », таълим йўналишида  
ўқийдиган талабалар учун мўлжалланган**

**САМАРҚАНД – 2018**

**« МУХАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ВА ГРУНТЛАР МЕХАНИКАСИ»**

**ФАНИДАН ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ**

**(услубий қўлланма)**

«Мухандислик геологияси ва грунтлар механикаси» фанидан лаборатория ишларини бажариш учун услубий қўлланма «**5540800** - «Автомобил йўллари ва аэродромлар», таълим йўналиши учун амалдаги таълим ва давлат стандартлари, «Мухандислик геологияси ва грунтлар механикаси» фанининг ўқув ва ишчи ўқув дастурлари ҳамда қурилиш меъёрлари- қоидалари талаблари асосида тайёрланди. Мазкур услубий қўлланма «Мухандислик геологияси ва грунтлар механикаси» фанидан лаборатория ҳамда амалий дарсларни талабалар томонидан мустақил бажаришда ва шу соҳа билан шуғуланувчи мутахассисларига қўлланма вазифасини ўташи мумкин.

Жадваллар -31 та,      расм – 11та,      **библиография – 16 та.**

**Тузувчилар:**    «Автомобил йўллари, замин ва пойдеворлар» кафедраси доценти,  
техника фанлари номзоди **Хонкелдиев Мухаммадмеди Мусаевич**  
  
«Автомобил йўллари, замин ва пойдеворлар» кафедраси мудир  
техника фанлари номзоди, доцент **Якубов Муқимжон Мухторович**  
  
«Автомобил йўллари, замин ва пойдеворлар» кафедраси асистенти  
**Курбонов Баходир Иркиновия**

**Такризчилар:**    «Автомобил йўллари, замин ва пойдеворлар» кафедраси доценти,  
техника фанлари номзод **Мадатов Абдураим Мадатович**  
  
**МЧЖ « SVP MASKAN »** директори, техника фанлари номзоди,  
доцент **Усмонов Валиаҳмад Файзуллаевич**

«Автомобил йўллари, замин ва пойдеворлар» кафедраси мажлисида (2018 йил №... баённомасида) ва «Қурилиш» факултетининг **илмий – услубий кенгаш** йиғилишида (2018 йил.....№..... баённомасида) кўриб чиқилган ва маъқулланган.

**Чиқиш белгилари:** Сам ДАҚИ. Шакли А 4. Буюртма № ... Адади 10 Ҳажми 3, 8 б. т.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	7 б.
<b>I. Тоғ жинасларини ҳосил қилувчи минераллар ва уларнинг физик хоссалари</b> ..	8 б.
<b>1.1. Минераллар ҳақида тушунча</b> .....	8 б.
<b>1.2. Минералларни синфларга ажратиш</b> .....	10 б.
<b>1 - топшириқ. Тоғ жинасларини ҳосил қилувчи минераллар билан танишиш, уларнинг физик хоссаларини аниқлаш ва таснифини ёзиш</b> .....	11 б.
<b>1.3.1. Тажриба ўтказиш учун керакли асбоблар, жиҳозлар ва ашёлар</b> .....	11 б.
<b>1.3.2. Ишни бажариш тартиби</b> .....	11 б.
<b>1.4. Тоғ жинасларини ҳосил қилувчи минераллар намуналари билан танишиш, уларнинг физик хоссаларини ҳамда ташқи белгиларини ўрганиш асосида номини аниқлашга доир мисол</b> .....	13 б.
<b>II. Магматик тоғ жинсларини ташқи белгиларига қараб ўрганиш ва уларнинг турини аниқлаш</b> .....	15 б.
<b>2.1. Тоғ жинслари ҳақида маълумот</b> .....	15 б.
<b>2.2. Магматик тоғ жинслари</b> .....	13 б.
<b>2.2.1. Магматик тоғ жинсларининг таркиби</b> .....	13 б.
<b>2.2.2. Магматик тоғ жинсларининг структура ва текстуралари</b> .....	14 б.
<b>2.2.3. Магматик тоғ жинсларининг таснифи</b> .....	15 б.
<b>2.2.4. Магматик тоғ жинсларининг структураси</b> .....	16 б.
<b>2.2.5. Магматик тоғ жинсларининг жойлашиш шакллари</b> .....	17 б.
<b>2.2.6. Магматик тоғ жинсларини синфларга ажратиш</b> .....	18 б.
<b>2.2.7. Магматик тоғ жинслари массивлардаги ёриқлар ва бўлақлар</b> .....	19 б.
<b>2.2.8. Магматик тоғ жинсларидан қурилишда фойдаланиш</b> .....	19 б.
<b>2 - топшириқ. Магматик тоғ жинсларини ташқи белгиларига қараб ўрганиш ва уларнинг турини аниқлаш</b> .....	19 б.
<b>2.1. Тажриба ўтказиш учун керакли асбоблар, жиҳозлар ва ашёлар</b> .....	19 б.
<b>2.2. Ишни бажариш тартиби</b> .....	20 б.
<b>III. Чўкинди тоғ жинслари</b> .....	22 б.
<b>3.1. Чўкинди тоғ жинслари ҳақида умумий маълумот</b> .....	22 б.

3.2. Чўкинди тоғ жинсларининг ҳосил бўлиш босқичлари.....	23 б.
3.3. Чўкинди тоғ жинслари таснифи.....	23 б.
3.4. Чўкинди тоғ жинсларга хос хусусиятлари.....	24 б.
<b>3 - топшириқ.</b> Чўкинди тоғ жинсларини ташқи белгиларига қараб ўрганиш ва уларнинг турини аниқлаш.....	31 б.
3.5.1. Тажриба ўтказиш учун керакли асбоблар, жиҳозлар ва ашёлар.....	31 б.
3.5.2. Ишни бажариш тартиби.....	31 б.
4. Метоморфик тоғ жинслари.....	34 б.
4.1. Метаморфик тоғ жинсларининг кимёвий таркиби.....	34 б.
4.2. Метаморфик жинсларининг таснифи.....	34 б.
<b>4-топшириқ.</b> Метоморфик тоғ жинсларини ташқи белгиларига қараб ўрганиш ва уларнинг турини аниқлаш.....	35 б.
4.3.1. Тажриба ўтказиш учун керакли асбоблар, жиҳозлар ва ашёлар.....	35 б.
4.3.2. Ишни бажариш тартиби.....	36 б.
V. Геологик харита, қурилиш майдони режаси, геологик – разведка қазилмалари ва геологик профиллар ҳақида умумий маълумот.....	38 б.
5.1. Геологик хариталар ва қурилиш майдонининг режаси.....	38 б.
5.2. Геологик қидирув қазилмалари.....	39 б.
5.3. Геологик профиллар.....	39 б.
<b>5-6 топшириқлар.</b> Қурилиш майдонининг бош режасини (харитасини), колонкалар ва геологик қирқим тузиш....	40 б.
VI. Замин грунтларининг физик ва механик хоссаларини аниқлаш.....	50 б.
VII. Грунт сувларининг гидроизогипс (сатх чуқурлигини кўрсатувчи) хариталар тузиш. Тузилган гидроизогипс хариталар асосида грунт сувлари оқимининг йўналишини, гидравлик градиентини ва тезлигини аниқлаш.....	55 б.
<b>7– топшириқ.</b> Гидроизогипс харитасини (грунт сувларининг сатх чуқурлигини кўрсатувчи) хариталар тузиш. ....	55 б.
<b>8– топшириқ.</b> Тузилган гидроизогипс (сатх чуқурлигини кўрсатувчи хариталар) асосида грунт сувлари оқимининг йўналишини, гидравлик градиентини ва тезлигини аниқлаш.....	56 б.
VIII. Иловалар №1, 2. Минералларни синфларга ажратиш бўйича жадвал.....	63 б.
IX. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	104 б.

## КИРИШ

*Геология* сўзи грекча *гео* – «ер», *логос* – «ўрганаман» деган маънони билдиради. *Геология* – қадимий фанлардан бири бўлиб, ернинг устки ва ички қисмларини ҳамда ундаги рўй берадиган мавжуд ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганади. У расмий фан сифатида XIX асрда ривожлана бошлаган. Фаннинг ривожига унинг асосчиси М. Ю. Ломоносов бундан ташқари Шарқ мамлакатларидан бир қанча олимлари ҳам катта ҳисса қўшишган. Жумладан Абу Райхон Берунийнинг «Ҳиндистон» асаарида ер сайёраси ҳақида умумий маълумотлар келтирилган.

*Геология* – ер ҳақидаги комплекс илм бўлиб, унинг тузилиши, ривожланиши, турли хил геологик жараёнларни ўрганади.

Геология бир қатор қисимларга бўлинади:

- *минерология* – минераллар ҳақидаги фан;
- *петрография* – тоғ жинслари, уларнинг келиб чиқиши, тузилиши ва таркиби ҳақидаги фан;
- *тарихий геология* – ернинг пайдо бўлиши, ривожланиши, ундаги ҳайвонот ва ўсимлик оламини ўрганувчи фан;
- *геофизика* – ер қобиғи сиртида ва ер остида содир бўладиган физик жараёнларни ўрганувчи фан;
- *динамик геология* – ер сирти шаклини ўзгартирувчи жараёнларни ўрганувчи фан;
- *стратиграфия* – тоғ жинслари қалинлиги ва қатламларнинг жойлашиши шароитларини ўрганувчи фан;
- *гидрогеология* – ер ости сувлари, уларнинг келиб чиқиши, ҳаракат қонунлари, физикавий ва кимёвий хусусиятларини ўрганувчи фан;
- *муҳандислик геологияси* – тоғ жинслари физик ва техник хусусиятлари ҳамда геологик жараёнларни ўрганувчи фан бўлиб, геологиянинг битта йўналишидир.

Бу фан турли иншоотларнинг қурилиш шароитлари ва табиий ер массивининг турғунлигини таъминлаш учун ўтказиладиган муҳандис геологик қидирув ишлари йўналишларини аниқлаб беради.

### **Муҳандислик геологияси фанининг асосий масалалари:**

- тоғ жинслари таркиби, қурилиш хусусиятлари ва жойлашиш шароитларини аниқлаш;
- иншоотларнинг турғунлигига таъсир ўтказиш мумкин бўлган геологик жараёнларни ўрганиш;
- иншоот қурилиши натижасида пайдо бўлиши мумкин бўлган муҳандис геологик ҳодисаларни ўрганиш.

# I. ТОҒ ЖИНАСЛАРИНИ ҲОСИЛ ҚИЛУВЧМ МИНЕРАЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ФИЗИК ХОССАЛАРИ

## 1.1. Минераллар ҳақида тушунча

Минерал табиий кимёвий жинс ёки туғма элемент бўлиб, ер қобиғида ёки унинг сиртида геологик жараёнлар натижасида ҳосил бўлади.

Минералларнинг умумий сони 3000 га яқиндир. Улардан атиги 50 таси тоғ жинсларни ташкил қилувчилар бўлиб, 15 тага яқин минераллар эса тоғ жинсларини ташкил этилишида асосий рол ўйнайдилар .

### *Минералларнинг ҳосил бўлиши*

Минералларнинг хоссалари кўп жиҳатдан уларнинг қандай шароитда ҳосил бўлишига боғлиқдир. Мухандислик – геологияси курсидан бизга маълумки, тоғ жинсларининг пайдо бўлиши, уларнинг вақт ўтиши билан емирилиши натижасида таркиби ва структураси ўзгаради. Бунга сабаб бўлган жараёнларга геологик жараёнлар дейилади.

**Геологик жараёнлар** - вақт бўйича тез кўчадиган (вулқон отилиши, ер қимирлаши, тоғ кўчиши ва х.к.) ва секин – асталик билан бир неча ўн, юз, минг йиллар давом этадиган (грунт ёткизиқлари, эрозия ва. х. к.) бўлади.

Барча геологик жараёнларни икки гуруҳга бўлиб ўрганилади:

- ернинг ички динамикаси – эндоген омиллари;
- ернинг ташқи динамикаси – экзоген омиллари.

**Эндоген факторлар** асосан ер остида содир бўлади. Бунга вулқон, вулқон маҳсулоти – магма ва метоморфизм киради.

**Магма** ер қобиғи – литосферага кириб ер устига чиқа олмасдан маълум чуқурликда батолитлар, лакколитлар, штокалар ва дайкалар ҳосил қилиши, ер устига отилиб чиқиб лава оқими холида тўпланиши мумкин. Биринчи ҳолни магманинг **интрузияси** (жойлашиши) деб айтилади, бунда ҳосил бўлган тоғ жинслари эса интрузив магматик тоғ жинслари деб аталади. Иккинчи ҳолни магманинг **эффузияси** (отилиб чиқиши деб айтилади) ҳосил бўлган тоғ жинслари эса эффузив магматик тоғ жинслари деб аталади. Бу ҳолларнинг ҳар иккаласида ҳам магматик тоғ жинслари ҳосил бўлади.

Мураккаб физик – кимёвий жараёнларнинг (юқори температура босимнинг) тоғ жинсларига таъсири натижасида уларнинг структураси ва таркибининг ўзгариши **метоморфизм** деб аталади. Метоморфизм натижасида метоморфик тоғ жинслари ҳосил бўлади.

Метоморфик тоғ жинсларининг таркибини хлорит, тальк, андолузит, гранит, серецит, гилли, талькли, слюдали ва хлоридли сланцлар, филлитлар, гнейслар, мрамор тошлар ва кварцлар ташкил қилади.

**Экзоген факторлар** физик-механик ва кимёвий таъсирлар натижасида тоғ жинслари емирилади, уларнинг таркиби ва тузилиши ўзгаради натижада чўкинди тоғ жинслари ҳосил бўлади. Буларга қумлар, қумтошлар, гиллар ва органик чўкинди тоғ жинслари киради

### **Физик таъсирлар натижасида емирилиш деганда нима тушунилади**

Бу жараён асосан температуранинг кескин ўзгариши, совуқнинг таъсири натижасида юзага келади. Физик таъсирлар натижасида тоғ жинслари майда бўлақларга бўлинади, лекин унинг минерологик таркиби ўзгармайди.

### **Кимёвий таъсирлар натижасида емирилиш деганда нима тушунилади**

Бу жараёнда сув, кислород ва карбонат ангидриди таъсирида тоғ жинсларининг таркиби емирилади, турли таркибдаги, кичик ўлчамли (1 мкм) каллоидсимон заррачаларга бўлинади. Олинган маҳсулотнинг ўзининг минерологик таркиби билан олдингисидан тубдан фарқ қилади. Тоғ жинсларининг кимёвий таъсирлар натижасида емирилишидан қумли, гилли ва органик-минерологик грунтларнинг ҳар хил турлари пайдо бўлади.

**Чўкинди тоғ жинслари** асосан ер тош қобиғининг устки қатламида тўпланиб, унинг қуруқлик юзасининг 75% ини қоплаган бўлиб, ер қобиғининг эса 5% ини ташкил этади. Чўкинди тоғ жинслари сув, шамол ва бошқа агентлар таъсирида бир жойдан иккинчи жойга кўчадиган, ер юзаси, денгиз, кўл, дарёларда тўпланади. Чўкинди тоғ жинслари ўсимлик ҳамда хайвонот оламининг қолдиқларидан ҳам ҳосил бўлади. Чўкинди тоғ жинсларининг қалинлиги бир неча сантиметрдан, бир неча юз метр, баъзан эса бир неча километрга етади. Масалан Фарғона водийсида чўкинди тоғ жинсларининг қалинлиги 1500 м ни ташкил этади.

*Хулоса қилиб айтсак эндоген ва экзоген факторларнинг таъсири натижасида тоғ жинслари ҳосил бўлади. Улар физик ва кимёвий таъсирлар натижасида емирилади ва минерал ҳосил бўлади. Демак минерал бу ер тош қобиғи – литосферани физик, механик ва кимёвий таъсирлар натижасида емирилишидан ҳосил бўлган маҳсулот.*

## **1.2. Минералларни синфларга ажратиш**

Минераллар агрегат ҳолати, ҳосил бўлиш шароити, тоғ жинсларини ташкил этишда қатнашиш даражаси кимёвий таркиби бўйича синфларга ажратилади.

### **1.2. 1. Агрегат ҳолати бўйича:**

- **қаттиқ жисмлар** (дала шпатлари, кварц ва бошқалар);
- **суяқ минераллар** (сув, нефть, симоб ва бошқалар);
- **газсимон** (этан, бутан, пропан).

### **1.2. 2. Ҳосил бўлиш шароити бўйича:**

– **эндоген омиллар** - асосан ер остида содир бўлади. Бунга вулқон, вулқон маҳсулоти киради;

– **экзоген омиллар** - физик-механик ва кимёвий таъсирлар натижасида тоғ жинслари емирилади, уларнинг таркиби ва тузилиши ўзгаради натижада чўкинди тоғ жинслари ҳосил бўлади. Буларга қумлар, қумтошлар, гиллар ва органик чўкинди тоғ жинслари киради;

– **метаморфик** – олдин ҳосил бўлган минералларнинг юқори ҳарорат ва юқори босим таъсирида ўзгариши натижасида ҳосил бўлган минераллар киради.

### 1.2. 3. Тоғ жинсларини ташкил этишда қатнашиш даражаси бўйича:

– *асосийлари* – у ёки бу жинснинг ҳосил бўлишида ҳар доим қатнашади. Дала шпатлари ер қобиғининг 58% ташкил этади, кварц–13 % ва ҳ.к.;

– *иккинчи даражали минераллар*. Табиий жинсларнинг кам қисмини ташкил этади. Лекин тоғ жинсларининг хусусиятларига ўз таъсирини ўтказиши;

– *ноёб минераллар* – тоғ жинсларини ҳосил бўлишида иштирок этмайди.

**Киммёвий таркиби бўйича минераллар:** туғма, голоидли, сульфидли, окидли, гидроксидли, кислородли кислоталар тузлардан иборат бўлади.

Минералларнинг киммёвий таркиби бўйича синфларга ажратиш 1 - жадвалда келтирилган.

1 - жадвал

Минералларни киммёвий таркиби бўйича синфларга ажратиш жадвали


№	Синфи	Номи	Киммёвий ифодаси	Келиб чиқиши	
1	Туғма	Олтин, платина, олтингугурт	<i>Au, Pt, S</i>	Турлича	
2	Голоидлар	Агалит, сильвин	<i>NaCl, KCl</i>	Қоришмалардан	
3	Сулфидлар	Пирит	<i>FeS<sub>2</sub></i>	Турлича	
4	Гидроксид, окисел	Кварц	<i>SiO<sub>2</sub></i>	Кристаллизация	
5	а) карбонатлар б) сульфатлар в) силикатлар ва аминокислоталар	<b>Кислородли кислоталар тузлари:</b>			
		Кальцит, доломит	<i>CaCO<sub>3</sub>, CaMg(CO<sub>3</sub>)<sub>2</sub></i>	Қоришмалардан	
		Гипс, ангидрит	<i>CaSO<sub>4</sub>·2H<sub>2</sub>O, CaSO<sub>4</sub></i>	Қоришмалардан	
		1) дала шпатлари:			
		А) ортоклаз	<i>K<sub>2</sub>O·Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>·6SiO<sub>2</sub></i>		Магманинг совиши натижасида
		б) плагио-клазлар	<i>K<sub>2</sub>O·Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>·6SiO<sub>2</sub> + CaO·Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>·2SiO<sub>2</sub></i> ↑ ↑		
		Альбит	100...90%	0...10%	
		олигоклаз	90...70%	10...30%	
		Андезит	70...50%	30...50%	
		лабрадор	50...30%	50...70%	
		битовнит	30...10%	70...90%	
		Анортит	10...0%	90...100%	
2) роговая обманка, слюда		мураккаб	Магманинг совиши натижасида		
3) лойли минераллар (монтмориллонит, каолинит, гидрослюда)		мураккаб	Магманинг совиши натижасида		

### 1.2. 4. Минералларнинг физик хоссалари

Асосий табиий жинсларни ташкил этувчи минералларни уларнинг физик хусусиятларига қараб аниқлаш мумкин. Минералларнинг физик хусусиятларига унинг қуйидаги хоссалари киради:

– **қаттиқлиги** – минералларнинг ташқи механик таъсирларига қаршилик кўрсата олиш қобилияти. Минералларнинг қаттиқлиги *Моос шкаласи* бўйича аниқланади. Бу шкала бўйича ҳар бир минерал ўз қаттиқлигига эга. **Моос шкаласи:**





- **ранги оч рангли**– кварц, гипс, альбит, ортоклаз, кальцит; **тўқ рангли** – лабрадор, роговая обманка;
- **ялтироқлиги** – минералнинг ёруғлик нуруни қайтариш хусусиятига эгаллиги. Барча минераллар ялтироқлиги бўйича 2 гуруҳга бўлинади:
  - **металлик ялтироқ** – пирит, магнетит, графит, роговая обманка;
  - **нометаллик ялтироқ**;
  - **шишасимон** – дала шпатлари, кальцит;
  - **шоисимон** – асбест, толали гипс;
  - **перламутрли** – слюда, тальк, пластинкали гипс;
  - **ёгли** – кварц, олтингугурт;
  - **хира** – каолин, магнезит.
  - **шаффофлиги** – минералларнинг ўзидан ёруғлик нурларини ўткази олиш қобилияти (ўта ўтказувчан, ўртача, кучсиз, ўтказувчанлик мавжуд эмас);
  - **ўланиш сиртининг мавжудлиги** – минералнинг ҳақиқий ёки мумкин бўлган қирраларига параллель текисликлар ҳосил қилиб парчаланиш қобилияти:
    - **ўта мукамал** – кўл кучи билан енгил вароқларга ажралади (слюда);
    - **мукамал** – зарба натижасида текис сирт ҳосил қилиб парчаланadi (кальцит);
    - **нотекис мукамал** – зарба натижасида нотекис сиртлар билан чегараланган тасодифий шаклдаги парчаларга бўлинади (лабрадор, роговая обманка);
  - **мавжуд эмас** – кварц.
  - **Синиқ парчаси** – бўлинишда минерал сиртининг шакли қуйидагича бўлади: текис, нотекис, зирапчали, чиғаноқли.
    - **Солиштирма оғирлиги:**
    - **енгиллари**  $\gamma < 2,5 \text{ г/см}^3$ ;
    - **ўртачалари**  $\gamma = 2,5 \dots 4,0 \text{ г/см}^3$ ;
    - **оғирлари**  $\gamma > 4,0 \text{ г/см}^3$ .
    - **Ўзига ҳос хусусиятлари:** тами (аччиқтош), хиди ( олтингугурт ), тузли кислота билан муносабати (кальцит, доломит).
  - **Минералларни синфларга ажратиш бўйича:** тўлиқ маълумот 1.-иловада келтирилган.

**1 - топшириқ. Тоғ жинасларини ҳосил қилувчи минераллар билан танишиш, уларнинг физик хоссаларини аниқлаш ва таснифини ёзиш**

**1.1. Таъриба ўтказиш учун керакли асбоблар, жиҳозлар ва ашёлар:**

- минераллар коллекцияси (ташқи белгилари аниқ ва ўлчамлари 5x7x3см дан кам бўлмаслиги керак);
- минералларни аниқлаш учун жадваллар ва схемалар;
- Моснинг қаттиқлик шкаласи;

– агарда Мосс шкаласи бўлмаса, унинг ўрнига қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- графитли юмшоқ қалам
- қаттиқлик даражси 1,0;
- тирноқ, қаттиқлик даражси – 2,5;
- мих ёки сим қаттиқлик даражси – 4,0;
- шиша қаттиқлик даражси – 5;
- пўлат пичок, тикув игнаси қаттиқлик даражси – 6;
- кварц қаттиқлик даражси – 7.

### **1.2. Ишни бажариш тартиби:**

1. Талаба тоғ жинасларини ҳосил қилувчи минераллар намуналарини минераллар коллекциясидан ажратиб олиши, уларнинг физик хоссаларини ўрганиши ва таснифини ёзиши учун унга шифр (вариант) берилади. Талабанинг гуруҳ журналидаги тартиб рақами, унинг варианты сифатида қабул қилинади;
2. Танланган вариант асосида 2-жадвалдан минералларнинг номи аниқланиб
- 3 - жадвалга киритади ва уларни минераллар коллекциясидан ажратиб олинади.

2 - жадвал

**Танланган вариант бўйича минералларнинг номини танлаш жадвали**

Вариант т/р	Минералларнинг номи	Вариант т/р	Минералларнинг номи	Вариант т/р	Минералларнинг номи
1	Алмаз	9	Яшма	17	Гипс
	Оливинит		Кремный		Далит
	Аметист		Магнезит		Ангидрит
	Марион		Халцедон		Магнезит
	Габбро		Каолит		Дала шпати
2	Сиенит	10	Графит	18	Фосфорит
	Перидотит		Яшма		Ангидрид
	Кварцит		Наждак		Апатит
	Гранит		Гематит		Гипс
	Дунит		Магнетит		Гипс
3	Андезит	11	Хромит	19	Биотит
	Риолит		Флюорит		Магнезит
	Придатит		Халцедон		Каолин
	Оливин		Шпат		Даломит
	Фосфорит		Лимонит		Тальк
4	Авгит	12	Топаз	20	Апатит
	Кварцит		Мусковит		Дала шпати
	Магнетит		Биотит		Фосфорит
	Топаз		Каолин		Сионит
	Трахит		Тальк		Сидерит
5	Биотит	13	Пирит	21	Доломит
	Магнезит		Галит		Тальк
	Каолин		Кварц		Придатит
	Даломит		Галенит(		Оливин
	Тальк		Халцедон		Фосфорит

6	Апатит	14	Агат	22	Авгит
	Дала шпати		Боксит		Кварцит
	Фосфорит		Лимонит		Магнезит
	Сионит		Топаз		Топаз
	Сидерит		Мусковит		Трахит
7	Гипс	15	Алмаз	23	Алмаз
	Далит		Пемза		Пемза
	Ангидрит		Аметист		Аметист
	Магнезит		Марион		Марион
	Дала шпати		Кварц		Кварц
8	Фасфорит	16	Мрамор	24	Мрамор
	Ангидрид		Диабаз		Диабаз
	Апатит		Кварцит		Кварцит
	Гипс		Гранит		Гранит
	Олтингугурт		Дунит		Дунит

3. Минераллар коллекциядан ажратиб олинган тоғ жинсларини ҳосил қилувчи минераллар намуналарининг физик хоссалари, кайси тоифага, гуруҳга ёки турга мансублиги асосли далиллар билан, яъни уларнинг минералогик таркиби, структураси, текстураси, ранги, ҳажмий оғирлиги ва бошқа белгиларини, ўқув қўлланма, услубий кўрсатмалар, интернет ҳамда 1, 2 – иловада кеклтирилган маълумотлардан фойдаланиб талаба томонидан тўлиқ ўрганилади ва тасниф ёзилади

4. Талаба томонидан ўрганиб, тасниф қилинган минераллар 3-жадвалга куйидаги тартибда киритилади: минералларнинг номи, кимёвий таркиби, синфи, ташқи белгилари: – ялтироқлиги, ранги, чизгандаги ранги, қаттиқлиги, зичлиги; келиб чиқиши; ишлатилиш соҳаси.

### 3- жадвал

Танланган вариант бўйича тоғ жинасларини ҳосил қилувчи минераллар намуналари билан танишиш, уларнинг физик хоссаларини ҳамда ташқи белгилдрини ўрганиш асосида намуналарнинг номини аниқлаш бўйича олинган натижаларни қайд этиш журнали

Вариант т/р	Минералларнинг номи	Кимёвий таркиби. ва синфи	Ранги	Ялтироқ Лиги	Қаттиқ лиги	Зичлиги	Келиб чиқиши	Ишлати- лиш соҳаси
1	2	3	4	5	6	7	8	9

*Эслатма: Минералларнинг рангини табиий ёруғликда аниқлаш керак, чукни сунъий ёруғликда ранги ўзгариб кўриниши мумкин. Яна шуни эътиборга олиш керакки минералларнинг қуруқ ҳолатидаги ранги, намланган ҳолатидаги рангидан фарқ қилади, шунинг учун намуналарнинг рангини аниқлаганимизда унинг намлик ҳолатини ҳам ифодалаш керак*

**1.3. Тоғ жинасларини ҳосил қилувчи минераллар намуналари билан танишиш, уларнинг физик хоссаларини ҳамда ташқи белгилдрини ўрганиш асосида номини аниқлашга доир митсол**

**Мисол.** Минераллар коллекциясидан олинган намуна агрегатларининг кристаллари ўткир учли заррачаларидан иборат. Кристаллар лупа остида қаралганда куб шаклида, минерал кучли металсимон ялтироқликка эга, ранги сарғаш – тилларанг, чизикчасининг ранги зангорисимон қора. Минерал шишада чизик қолдиради, лекин кварцда из қолдиролмайди, демак унинг қаттиклиги – 6, синиш текислиги нотекс, қатламлилиқ йук.

Аниқланган белгиларни минералларни аниқлаш жадвали билан таққослаб бу минерал сульфатлар синфидаги «пирит» эканлигини аниқлаймиз.

Кўп сонли минераллар гуруҳларини ўрганаётганда уларни қуйида келтирилган жадвал кўринишда ифодалаш тавсия қилинади (4 – жадвал).

**4 - жадвал**

**Тоғ жинасларини ҳосил қилувчи минераллар намуналари билан танишиш, уларнинг физик хоссаларини ҳамда ташқи белгилдрини ўрганиш асосида номини аниқлашга доир мисол**

Вариантлар	Минералларнинг номи	Кимёвий таркиби. ва синфи	Ранги	Ялтироқлиги	Қаттик Лиги	Зичлиги	Келиб чиқиши	Эслатмалар, ишлатилиш соҳаси
1	2	3	4	5	6	7	8	9
	Олмос	C соф элеменлар	Рангсиз, оқ, оч хаворанг, яшил, сарғиш	Ялтироқ, шаффоф, ҳар хил спекторда нур таркатади	10	3,47-3,55	Магматик	Заргарликда, бурғулаш, металл қирқиш ва жилов беришда ишлатилади.
	Пирит (олтингурт колчедани)	FeS Сульфатлар (Олтингурт ва бирикмалар)	Сарғиш	Металлсимон	6-6;5	4,9 – 5,2	Метоморфик, чўкинди	Олтингурт кислотаси олишда ишлатилади
	Галит (тош тузи)	NaCl галлоидлар	Рангсиз ок, тутунсимон қизғиш, кўкимтир	Шишасимон ёгли	2,0– 2,5	2,1-2,6	Чўкинди	Озик овқат ва ким саноатида хом ашё
	Магнезит	MgCO <sub>3</sub> карбонатлар	Оқ кўкимтир	Шишасимон губор	3,5-4,5	3-3,1	Чўкинди	Иссикга чидамли курилиш материали олишда
	Мис	Cu, Соф элементлар	Оч пушти, қи-зил, жигарранг.	Металлдек шаффоф эмас	2,5-3	8,5-8,9		Электроника, машинасозликда қотишмалар (бронза, мельхиор) олинади.

## II. МАГМАТИК ТОҒ ЖИНСЛАРИНИ ТАШҚИ БЕЛГИЛАРИГА ҚАРАБ ЎРГАНИШ ВА УЛАРНИНГ ТУРИНИ АНИҚЛАШ

### 2.1. Тоғ жинслари ҳақида маълумот

Тоғ жинслари ер қобиғини ташкил қилувчи минерал сифатида ўзларининг келиб чиқиши ёки ҳосил бўлишига қараб бир-биридан фарқ қилади. Тоғ жинслари келиб чиқиши бўйича уч тоифага бўлинади:

- магматик ;
- чукинди;
- метаморфик.

Ер қобиғида магматик тоғ жинслари 87%, метаморфик тоғ жинслари 8%, чўкин-ди тоғ жинслари эса 5% ни ташкил қилади.

Бизга маълум бўлган ҳар қандай тоғ жинси шу уч тоифанинг бирортасига мансуб бўлиши мумкин. Масалан:

- гранит – магматик тоғ жинси;
- лойли грунтлар – чўкинди тоғ жинси;
- мрамор – метаморфик тоғ жинси.

### 2.2. Магматик тоғ жинслари

**Магма** (грекча сўз. «μαῦμα» – қуюқ масса) – мураккаб таркибга эга бўлган чўғли масса. Магма ўчоқлари радиоактив элементлар йиғилган жойда мантиянинг сиртида ёки ер қобиғининг пастки қисмида ҳосил бўлади.

Магма ер қобиғи – литосферага кириб Ер устига чиқа олмасдан маълум чуқурликда батолитлар, лакколитлар, штокалар ва дайкалар ҳосил қилиши, ер устига отилиб чиқиб лава оқими ҳолида тўпланиши мумкин (1 ва 2 – расмлар).

Биринчи ҳолни магманинг **интрузияси** (жойлашиши) деб айтилади, бунда ҳосил бўлган тоғ жинслари эса интрузив магматик тоғ жинслари деб аталади.


Иккинчи ҳолни магманинг **эффузияси** (отилиб чиқиши деб айтилади) ҳосил бўлган тоғ жинслари эса эффузив магматик тоғ жинслари деб аталади. Бу икки ҳолатда ҳам бир хил магмадан бир хил таркибли, лекин турли тузилишдаги магматик тоғ жинслари ҳосил бўлади.

Тоғ жинсларининг ички тузилиши деганда тоғ жинсларини ташкил этувчи минераллар нинг миқдори, ўлчамлари, шакли ва ўзаро боғланиш усуллари тушунилади. Тоғ жинсларининг ички тузилиши магманинг совиши жараёнида шаклланади ва униг совиш шароити ва тезлигига боғлиқ бўлади. Магманинг совиш шароитлари ер юзаси ва чуқурликда турличадир. Катта чуқурликда ҳосил бўлган жинслар юқори босим остида секин ва бир текисда совиш шароитида шаклланади, қуйма жинслар эса магманинг паст босим остида ва паст ҳароратда тез совиш шароитида шаклланади.


#### 2.2.1. Магматик тоғ жинсларининг таркиби

Хамма магматик (**откинди**) тоғ жинслари куйидаги оксидлардан иборат булган мураккаб таркибга эга булади:  $\text{SiO}_2$ ,  $\text{Al}_2\text{O}_3$ ,  $\text{FeO}$ ,  $\text{Fe}_2\text{O}_3$ ,  $\text{Na}_2\text{O}$ ,  $\text{K}_2\text{O}$ ,  $\text{MgO}$ ,  $\text{CaO}$ ,  $\text{TiO}_2$ ,  $\text{MnO}$ ,  $\text{Li}_2\text{O}$  ва бошқалар. Турли жинсларда бу оксидларнинг фоиз миқдори

турлича. Магматик тоғ жинсининг кимёвий таркибини аникловчи асосий оксид  $\text{SiO}_2$  -кремний оксиди хисобланади. Кремний оксиди барча магматик тоғ жинслари таркибида булиб, уларнинг нордон ( $> 65\%$ ), уртача ( $65\text{-}52\%$ ), асосий ( $52\text{-}40\%$ ) ёки ультраасосий ( $<40\%$ ) гурухларга мансублигини аниклайди.



1. Расм. Вулқон



2.расм. Магматизм

Нордон жинслар кўп миқдорда кальций ва натрийга эга бўлади. Тоғ жинси асосий жинсларга якинлашган сари  $\text{Na}_2\text{O}$  ва  $\text{K}_2\text{O}$  камайиб боради ва аксинча  $\text{MgO}$  ҳамда  $\text{FeO}$  ошиб боради.

Магматик тоғ жинсларини ташкил килувчи асосий минералларга дала шпати, кварц, слюда, шох алдамчиси, авгит, оливинлар киреди.

Тоғ жинсининг у ёки бу гурухга мансублигини билиш учун унинг минералогик таркибига эътибор бериш керак. Таркибида рангли минераллар кўп булган корамтир жинслар асосий ёки ультраасосий гурухга мансуб булади. Тоғ жинси таркибида дала шпатининг йуклиги унинг ультраасосий гурухдан эканлигига далолат беради.

Агар рангдор жинсда кварц заррачалари аник кўриниб турса бу нордон жинсдир, чунки колган, таркибида  $\text{SiO}_2$  кам булган жинслар таркибида кварц йўқ ёки карийиб йўқ.

### 2.2.2. Магматик тоғ жинсларининг структура ва текстуралари

Тоғ жинсларининг структураси деганда уларни ташкил этувчи минералларнинг шакли, миқдорий нисбати, кристалланганлик даражаси ва узаро жойлашишига боғлиқ булган ички тузилиш тушинилади. Магматик тоғ жинсларида куйидаги структуралар мавжуд:

- тўлиқ кристалланган (заррачалар);
- тўлиқ кристалланмаган (кристаллар ва аморф шишанинг биргаликда бўлиши);
- шишасимон структурага эга (шиша ёки шиша билан биргаликда кам миқдордаги кристаллар).

Заррачаларнинг ўлчамлари бўйича: йирик заррачали (ўлчамлари 5мм дан юкори бўлган), ўрта заррачали (2 – 5 мм) ва майда заррачали (2мм дан кичик) структуралар фарқланади.

Ўлчамларнинг бир хил ёки бир хил эмаслиги бўйича текис бир хил заррачали ва нотекис заррачали структуралар бўлади.

Тўлиқ кристалланган структура интрузив (чуқурликда қотувчи) жинсларга кўпроқ хосдир, тўлиқ кристалланмаган ва шишасимон структуралар эса эффузив (юзада қотган) жинсларга хосдир.

Магматик тоғ жинсларининг текстураси деганда тоғ жинслари қисмларининг хажмда фазовий жойлашуви тушунилади. Магматик тоғ жинсларига куйидаги текстуралар характерли:

– массивсимон – фазовий хажмда жинслар бир текис зич жойлашган текстура;

– полосасимон – турли минерал таркибдаги ёки турли структурадаги жинсларнинг алмашиб такрорланиши характерли бўлган текстура.

– шлакли – кўзга ташланарли бўшлиқлари булган текстура.

### 2.2.3. Магматик тоғ жинсларининг таснифи

Магматик тоғ жинслари – ер қобиғини ташкил этувчи зич ва бўш минерал массаларининг йиғиндисидан иборат. Тоғ жинсларининг умумий сони 1000 яқин. Улар бир-биридан минерал таркиби ва келиб чиқишлари билан фарқ қилади. Тоғ жинслари куйидагича таснифланади:

– **минераллар таркиби бўйича:**

– оддий (мономинерал)- гипс, аччиқтош;

– мураккаб (полиминерал)- гранит, дала шпати, кварц, слюда, роговая обманка

– **келиб чиқиши бўйича:**

– чуқурликда ҳосил бўлган (интрузив);

– куйилиш натижасида ҳосил бўлган (эффузив).

– чўкма;

– парчаланган (бўлакли)- бўш, қаттиқ;

– кимёвий;

– органоген: зоогенли, фитогенли;

– метаморфик: контактли, махаллий (регионал).

### 2.2.4. Магматик тоғ жинсларининг структураси, текстураси ва ички тузилиши.

Магматик тоғ жинсларининг структураси деганда уларни ташкил этувчи минералларнинг шакли, микдорий нисбати, кристалланганлик даражаси ва ўзаро жойлашишига боғлиқ булган ички тузилиш тушунилади. Магматик тоғ жинсларида куйидаги структуралар фаркланади:

– тўлиқ кристалланган (заррачали);

– тўлиқ кристалланмаган (кристал заррачалар ва аморф шишанинг биргаликда бўлиши);

– шишасимон структура (шиша ёки шиша билан биргаликда кам микдордаги кристаллар).

Катта чуқурликда ҳосил бўлган магматик тоғ жинслари бир хил структурага эга. Улар кристалли заррачаларнинг ўлчамларига қараб куйидаги турларга бўлинади:

– йирик кукунли ( $d > 5 \text{ мм}$ );

- ўртача кукунли ( $d = 5 \dots 1 \text{ мм}$ );
- майда кукунли ( $d < 1 \text{ мм}$ );
- турли ўлчамдаги кукунли.

Қуйма магматик тоғ жинслари ички тузилиши бўйича **уч** хил структурага бўлинади:

- **порфирланган** – синиқ парчасида минералнинг доналари кўриниб туради;
- **ёпиқ кристалли** – кристалларни оддий кўз билан илғаб бўлмайди (диабаз);
- **шишасимон** – аморф масса (обсидиан).

Магматик тоғ жинсларининг текстураси – жинс хажмида табиий минерал заррачаларининг фазовий жойлашиши ва тақсимланишига айтилади. Магматик тоғ жинсларининг текстура кўринишлари: массивли, ғовакли, қатламли, сланецли бўлади.

Чуқурликдаги магматик тоғ жинслар массив (зич) текстурага (гранит), қуймалари – массив (обсидиан) ёки ғовакли (шлаксимон) текстурага (базальтли лава, пемза) эга.


### 2.2.5. Магматик тоғ жинсларининг жойлашиш шакллари

Чуқурликдаги жинслар учун қуйидаги жойлашиш шакллари характерлидир:

- платформалар; батолитлар; штоклар; лакколитлар;
- пайлар;
- дайкалар (3 – расм).

Қуйма магматик тоғ жинслари қуйидагича жойлашадилар:

- гумбазлар;
- қопламалар;
- лава оқимлари.



3-расм. Магматик жинсларнинг ётиш шароитлари ва шакллари (Ю.М.Васильев бўйича)

**Платформалар** катта майдонга эга бўлган текислик бўлиб, ер қобиғи сиртида тоғ жинсларининг чўкиши натижасида ҳосил бўлади.


МДХ худудида иккита платформа мавжуд:

- рус платформаси – Кола ярим оролидан Қора денгизгача;
- сибир платформаси – Лена ва Енисей дарёлари, Байкал кўли ва Шимолий муз океани оралиғида жойлашган.

II Платформа чегарасида магматик тоғ жинсларининг ер юзасига чиқиши **штич**



дейилади. Штичлар магматик тоғ жинсларини қазиб олишда қулай карьер бўлиб ҳисобланади



4-расм. Платформа

**Батолит** (юнонча *батос* – тош, *литос* – чуқур дегани) – магматик тоғ жинсларининг қинғир шаклли йирик массиви, пастлашган сари кенгая боради ва мантияга киришиб кетади.

**Лакколит** (греч. *лаккос* – ўра, ертўла) – магманинг чўкинди жинслар қатламларига киришиб кетиши натижасида ҳосил бўлган кўзикорин шаклидаги массив. Уларнинг ҳосил бўлиши тоғлар массивларининг пайдо бўлишига олиб келади.

**Пайлар** – ер қобиғи ёриқларига магманинг кириши натижасида ҳосил бўлади. Турли хилдаги минерал хомашёларнинг пайдо бўлиши пайлар билан боғлиқ.

**Дайкалар** – параллель деворли пайлар.

**Қопламалар** – ернинг горизонтал сиртига магмаларнинг қуйилишидан ҳосил бўлган улкан майдон.

**Оқимлар** – ер юзасида узунасига жойлашган магматик тоғ жинслари қияликларга магманинг оқиши натижасида ҳосил бўлади.

**Гумбаз** – тўнтарилган қозон шалидаги массив.

#### 2.2.6. Магматик тоғ жинсларини синфларга ажратиш

Магматик тоғ жинсларини синфларга ажратиш жинслар таркибида  $SiO_2$  улушига боғлиқдир. Жинс таркибида  $SiO_2$  кам бўлса, бундай жисملарни полировка қилиш осон кечади.

5 - Жадвал

#### Магматик тоғ жинслари синфлари

Жинс таркиби		Жинсининг номи	
$SiO_2$ , % нинг улуши	Минераллар	чуқурликдаги	Қуйма
нордон $SiO_2$ , 75 - 65%	кварц, дала шпатлари, слюда	Гранит	кварцли порфир
ўртача $SiO_2$ , 65...52%	дала шпатлари, роговая обманка, биотит	Сиенит, диорит	ортоклазли порфир, андезит
асосий $SiO_2$ , 52...40%	лабрадор, авгит, оливин	Габбро	диабаз, базальт
ультра асосий $SiO_2$ , 40% дан кам	оливин, авгит, кон минераллари	перидотит, дунит	

#### 2.2.7. Магматик тоғ жинслари массивларидаги ёриқлар ва бўлақлар

Магманинг совиши жараёнида тоғ жинслари массивида ёриқлар пайдо бўлади, бу ёриқлар массивни *алоҳида* блоklarга (бўлақларга) ажратади, уларнинг шакли

магманинг қуйилиш шароитларига боғлиқ. Блокларнинг шакллари қуйидагича бўлиши мумкин:

- *матрацсимон* – чуқурлик жинслари учун характерли;
- *устунсимон* – магманинг Ер сиртига қуйилиши натижасида хосил бўлади;
- *блокларнинг шарсимон* шакли – жинсларнинг сув остига қуйилиши натижасида хосил бўлади. Ёриқлар тоғ массивларини бўшаштиради, лекин уларга ишлов беришни анча осонлаштиради. Портлатиш ишлари ва ишлов бериш йўналишларини танлашда блоклар кўринишларини ҳисобга олиш керак.

### **2.2.8. Магматик тоғ жинсларидан қурилишда фойдаланиш**

Магматик тоғ жинсларинидан асос сифатида фойдаланиш мумкин агар, тоғ жинслари массивида ёриқлар бўлмаса; қурилиш ва безак материали сифтида ишлатиш мумкин.

Қурилишда, майда шағал (гранит, сиенит), ишлов бериш материали (гранит, сиенит, лабрадорит, габбро), йўл қопламаси (диабаз, базальтли лава), енгил ва оғир бетонларга қўшимча (порфирит, кварцли порфир, базальтли лава), иссиқликни ушлаб турувчи материал (пемза) сифатида

## **2 - топшириқ. Магматик тоғ жинсларини ташқи белгиларига қараб ўрганиш ва уларнинг турини аниқлаш**

### **2.1. Тажриба ўтказиш учун керакли асбоблар, жиҳозлар ва ашёлар:**

- минераллар коллекцияси (ташқи белгилари аниқ ва ўлчамлари 5x7x3см дан кам бўлмаслиги керак);
- минералларни аниқлаш учун жадваллар ва схемалар;
- Моснинг қаттиқлик шкаласи;
- агарда Мосс шкаласи бўлмаса, унинг ўрнига қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:
  - графитли юмшоқ қалам – қаттиқлик даражси 1,0;
  - тирноқ, қаттиқлик даражси – 2,5;
  - шиша қаттиқлик даражси – 5;
  - мих ёки сим қаттиқлик даражси – 4,0;
  - пўлат пичоқ, тикув игнаси қаттиқлик даражси – 6;
  - кварц қаттиқлик даражси – 7.

### **2.2. Ишни бажариш тартиби:**

1. Талаба магматик тоғ жинслари билан намунада танишиши, уларнинг физик хоссаларини аниқлаши ва таснифини ёзиш бўйича вариант танлаши учун унга шифр берилади. Талабанинг гуруҳ журналидаги тартиб рақами, унинг шифри (варианти) сифатида қабул қилинади;
2. Танланган вариант асосида, талаба магматик тоғ жинслари намуналарининг номини **7** –жадвалдан олиб, **6** –жадвалга киритади ва уларни минераллар коллекциясидан ажратиб олади;
3. Минераллар коллекциясдан ажратиб олинган магматик тоғ жинсларининг физик хоссалари, қайси тоифага, гуруҳга ёки турга мансублиги асосли далиллар билан, яъни уларнинг минералогик таркиби, структураси, текстураси, ранги, оғирлиги ва бошқа белгиларини, ўқув қўлланма, услубий кўрсатмалар, интернет

ҳамда 1, 2 – иловаларда келтирилган маълумотлардан фойдаланиб талаба томонидан тўлиқ ўрганилади ва тасниф ёзилади;

4. Талаба томонидан ўрганиб, тасниф қилинган магматик тоғ жинслари, 6-жадвалга киритилади.

6 – жадвал

Танланган вариант бўйича магматик тоғ жинсларининг намуналари билан танишиш, уларнинг физик хоссаларини ҳамда ташқи белгилдрини ўрганиш асосида намунанинг номини аниқлаш бўйича олинган натижаларни қайд этиш журнали

Вариант т\р	Тоғ жинсининг номи	Структураси	Текстураси	Кислоталилиги бўйича гурҳи	Ранги	Таркибидаги минераллар миқдори, %	Жинс ҳосил қилувчи минераллари
1	2	3	5	6	7	8	9

7 – жадвал

Танланган вариант бўйича магматик тоғ жинсларининг номини танлаш жадвали

Вариант т\р	Магматик тоғ жинсларининг номи	Вариант т\р	Магматик тоғ жинсларининг номи	Вариант т\р	Магматик тоғ жинсларининг номи
1	Гранит	9	Андезит порфирит	17	Диорит
	Порфирсимон гранит		Диорит андезит		Диорит –порфирит
	Алякцит		Габбро		Керсантит
	Долерит		ДолеритГ		Спессартит
	Базалт		Базалт		Базалт
2	Плагиогранит	10	Габбро-дорит	18	Дунит
	Нормал гранит		Норит		Андезит
	Алякцит		Лабродорит		Диабаз
	Дунит		Диабаз		Гранит
	Перидотит		Долерит		Норит
3	Гранодиорит	11	Порфирсимон гранит	19	Алякцит
	Гранодиорит порфир		Алякцит		Гранодиорит
	Дасит (плагиодацит)		Гранит		Гранит
	Сиенит		Ларвикит		Порфирсимон гранит
	Сиенит-аплит		Метандезит		Сиенит
4	Долерит	12	Фонолит	20	Пегматит
	Базалт		Плагиогранит		Липарит
	Гранит порфир		Нормал гранит		Алякцит
	Спилит		Аляскит		Долерит
	Дунит		Дунит		Базалт
5	Аплит	13	Перидотит	21	Спессарти т
	Пегматит		Гранодиорит		Андезит

	Липарит		Дасит (плаггиодацит)		Габбро-дорит
	Базалт		Сиенит		Осидиан
	Дунит		Габбро-дорит		Фелзит
6	Кварцли порфир	14	Дацит порфир	22	Габбро-дорит
	Осидиан		Микрогранит		Норит
	Фелзит		Гранит порфир		Аплит
	Долерит		Спилит		Пегматит
	Базалт		Дунит		Липарит
7	Пемза	15	Аплит	23	Базалт
	Диорит		Пегматит		Долерит
	Диорит –порфирит		Липарит		Базалт
	Базалт		Базалт		Габбро-дорит
	Дунит		Кварцли порфир		Норит
8	Керсантит	16	Осидиан	24	Сиенит-аплит
	Спессартит		Фелзит		Спилит
	Андезит		Андезит		Габбро-дорит
	Пегматит		Долерит		Дунит
	Гранодиорит		Порфирсимон гранит		Алякцит

8 - жадвал

Магматик тоғ жинслари намуналари билан танишиш, уларнинг физик хоссаларини ҳамда ташқи белгилдрини ўрганиш асосида номини аниқлашга доир мисоллар

Вариант т\р	Тоғ жинсининг номи	Структураси	Текстура си	Кислотали лиги бўйича груҳи Зичлиги	Ранги	Кимёвий таркиби (таркибидаги минераллар миқдори,%)	Жинс ҳосил қилувчи минераллари
1	2	3	5	6	7	8	9
X	Сиенит	Тўлиқ кристалланган майда донали	Массивли	$\text{Si O}_2$ ўртача	Кул ранг ва пушти ранг	$\text{SiO}_2$ 52-65 %)	Роговая обманка, биотит, пироксин, оливин
	Придатит	Тўлиқ кристалланган	Массивли	$(\text{Mg,Fe})_2[\text{SiO}_4]$ 3,2	Яшил, яшил пушти ранг	Оливин (70-30 %) ва Mg, Fe). $2[\text{SiO}_4]$ , пироксен (30-70 %),	Платина, мис, никель груҳи қазилма бойликликларининг келиб чиқишида асосий роль ўйнайди
	Мусковит (калейли оқ слюда)		Массивли	$\text{K, Al} \cdot [\text{FeMg}]_2 \cdot [\text{AlSi}_2\text{O}_{10}] \cdot (\text{OH, F})_2$ зичлиги 2,8	Рангсиз, сарғиш, кўкимтир, бинафша ранг	Калейли дала шпати, 20-60 %, нефелин 20-30 %, лепидомелан 5-20 %, амфибол 20% , альбитолигоклаз 20 % ,	Электризоляция материал сифатида ишлаўтилади.
	Биотит (кора)	Шишасимон		$\text{K}(\text{Mg, Fe})_3 (\text{OH, F})_2$	Кора, тўқ зангори	$\text{SiO}_2$ , 65...52%	Термик ишловдан сунг иссиқ-

слюда)		Массивли	$[(Al, Fe) Si_3O]$	сарғиш тилло ранг.		лик ва овоз тўсувчи материал олинади
Апатит	Шишас имон	Массивли	$Ca(RO_4)_3 (Cl, F, OH)$ зичлиги 3,2	Рангсиз, ок, сарғиш	<b>65...75%</b>	Фосфорли ўғитлар олишда ишлатилади

### III. ЧЎКИНДИ ТОҒ ЖИНСЛАРИ

#### 3.1. Чўкинди тоғ жинслари ҳақида умумий маълумот

**Чўкинди тоғ жинслари** – бирламчи тоғ жинсларининг физикавий ва кимёвий таъсирлар натижасида емирилишидан (нурашидан ) ҳосил бўлган, сув ва ҳаво мухитида тўпланган ва чўккан маҳсулот бўлиб, кейинчалик чўкиндилар сифатида зичланган ва цементлашган бўлади.

**Нураш (емирилиш)** – бу минераллар ва тоғ жинсларининг физикавий ва кимёвий таъсирлар натижасида емирилиш жараёнларининг йиғиндисидир. Нураш (емирилиш) жараёнинг асосий омиллари:

– **физикавий таъсирлар натижасида нураш (емирилиш)** - бу жараён асосан ҳароратнинг тебраниши, тоғ жинслари ёриқларида сувнинг музлаши, эриши, сув, музликлар ва шамолнинг механик таъсири натижасида юзага келади. Физикавий таъсирлар натижасида тоғ жинслари майда бўлақларга бўлинади, лекин унинг минерологик таркиби ўзгармайди;

– **кимёвий таъсирлар натижасида нураш (емирилиш)** - бу жараён ернинг устки қобиғида сувнинг айланиши натижасида кимёвий таъсирлари, атмосферадаги газларнинг ва сув таркибида эриган ҳолдаги газларнинг таъсирида тоғ жинсларининг таркиби емирилади, турли таркибдаги, кичик ўлчамли ( 1 мкм ) каллоидсимон заррачаларга бўлинади. Олинган маҳсулот ўзининг минерологик таркиби билан олдингисидан тубдан фарқ қилади. Тоғ жинсларининг кимёвий таъсирлар натижасида емирилишидан кумли, гилли ва органико- минерологик грунтларнинг ҳар хил турлари ҳосил бўлади;

– **биологик нураш (емирилиш )** - ўсимликлар ва ҳайвонот оламидаги бўладиган жараёнлар таъсирида ҳосил бўлган маҳсулотлар;

– **гидратация натижасида нураш (емирилиш);**

– **занглаш натижасида нураш (емирилиш);**

– **каолинизация натижасида нураш (емирилиш);**

Литосферанинг нураш жараёни кечадиган соҳасига нураш зонаси дейилади. Бу ерда мужассамлашган жинсларнинг емирилиш жараёни бўлиб нураш қобиғини ташкил этади. Нураш зонаси қуйидагича тақсимланади:

– **замонавий** нураш зонаси, яъни ер қобиғининг энг устки қисми - бу зона учун коллоидлар ҳосил бўлиш шароитини яратувчи муҳит шароитининг ўзгарувчанлиги (ҳарорат, намлик ва б.) характерлидир;

– **асрий** ва **чуқурликдаги** нураш зонаси - бу ерда доимий ҳарорат ва тепа қисмидаги қатламлар босими остида кристаллик жисмларнинг пайдо бўлиш жараёни бўлиб ўтади (коллоидлар эскириши).

Тоғ жинсларининг нураши натижасида хосил бўлган жинсларнинг ўз жойида қолган қисмига *элювий* ёки *элювиал ётқизиқлар* дейилади, яъни *элювий* – бу замонавий нураш соҳаси бўлиб, маҳаллий жинснинг нураши натижасида хосил бўлади.

### 3.2. Чўкинди тоғ жинсларининг ҳосил бўлиш босқичлари

*Физикавий ва кимёвий* нураш.

Нураш маҳсулотларининг сув ёки ҳаво ёрдамида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб (қоришма ёки парча кўринишида) грунт ётқизиқларини ҳосил қилади.

*Нураш (емирилиш) маҳсулотларининг ётқизиқлари:*

– *физикавий* нураш маҳсулотлари кўринишида (турли синиқ парчалар), сувли қоришмаларда тузларнинг чўкиши натижасида, жонзодлар ва ўсимликлар фаолияти натижасида.

– *диагенез* – бўш (юмшоқ) чўкиндидан жинснинг шаклланиши – чўкиндининг тоғ жинсига айланиш жараёни.

### 3.3. Чўкинди тоғ жинслари таснифи

*Чўкинди тоғ жинслари синфлари, келиб чиқиши бўйича:*


- синиқ парчали; бўш (юмшоқ), цементлашган (қаттиқ);
- органоген;
- кимёвий.

*Ҳосил бўлиш шароитлари бўйича:*

- континентал (қурукликда);
- денгиз шароитида.

### 3.4 Чўкинди тоғ жинсларга хос хусусиятлари

1) *қатламлилиқ* – ётқизилиш шароитларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган турли таркибли, турли рангли ва турли қалинликдаги қатламларнинг кетма-кет келиши. 5-расмда чўкинди тоғ жинсларининг қатламли жойлашиши тасвирланган:



5-расм. Чўкинди тоғ

1– пласт – қалинлиги 0,5 м гача ва катта узунликка эга бўлган чўкинди тоғ жинслари қатлами; 2 – оралик қатлам – бир жинс қатлами ичида жойлашган қалинлиги 0,5 м гача бўлган бошқа қатлам; 3 – линза – кичик масофада бир қатлам ичига кириб келган бошқа қатлам; 4 – чиқувчи қатлам – бир томони камайиб борувчи қатлам; 5, 6 – пластлар чегаралари (устки – том, пастки – товон).

2) **ғоваклилик** – чўкинди тоғ жинсларига хос хусусият бўлиб, жинснинг юк таъсирида сиқилувчанлиги ва сув ўтказиш қобилиятини билдиради. Ғоваклик ҳажм бирлигида олинган грунт ғовакликлари ҳажми  $V_n$  ни, унинг умумий ҳажмига нисбати билан ўлчанадиган катталиқка айтилади ва  $\Pi$  билан белгиланади.

$$\Pi = \frac{V_n}{V} \quad (1)$$

Одатда чўкинди тоғ жинсларининг ғоваклилиги 35 – 50 % ни ташкил этади. Мухандислик геологиси ва грунтлар механикасида кўпчилик ҳолларда ғоваклик коэффициентини ( $e$ ) ишлатилади. Бу коэффициент кумли грунтларнинг зичлигини аниқлаб беради ва уларнинг классификацион кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Грунтнинг ғоваклик коэффициентини ( $e$ ), ҳажм бирлигидаги грунт ғовакликлари ҳажми ( $V_n$ ) ни, унинг қаттиқ заррачалар ҳажми ( $V_d$ ) га бўлган нисбат тушунилади

$$e = \frac{V_n}{V_d} \quad (2)$$

Сиқилувчанлик ғовакликлар ҳажми ( $V_n$ ) нинг камайиши ҳисобига рўй беради.

3) **Чўкинди тоғ жинсларининг таркиби ва хусусиятлари уларни қандай иқлим шароитида ҳосил бўлишига боғлиқ бўлади:**

– **синиқ парчалар шаклида** – кескин континентал иқлим шароитида ҳосил бўлади;

– **кимёвийлар** – жазирама иссиқ иқлим шароитида ҳосил бўлади;

– **органоген** – нам ва иссиқ иқлим шароитида ҳосил бўлади.

4) **Чўкинди тоғ жинсларининг қатламларида денгиз ўсимликлари ҳамда унда яшайдиган ҳайвонот оламининг қолдиқлари мавжудлиги.**

5) **Чўкинди тоғ жинслари мустаҳкамлиги**, магматик тоғ жинслари мустаҳкамлигига нисбатан кам бўлади (заррачалар орасида боғланишнинг мавжуд эмаслиги, иккиламчи минералларнинг мавжудлиги)

**Синиқ парчали чўкинди тоғ жинсларининг таснифи.**

Синиқ парчали чўкинди тоғ жинслари бўш (юмшоқ) ва цементлашган (қаттиқ) турларга бўлинади. Иншоотлар асослари ва қурилиш материаллари сифатида ишлатилади.

**Бўш (юмшоқ) чўкинди тоғ жинслари** магматик, метаморфик ва бошқа қоятошли тоғ жинслари емирилиши натижасида ҳосил бўлади ва турли шакл ва ўлчамларга эга парча лардан иборат бўлади. Бу турдаги чўкинди тоғ жинслари заррачаларининг ўлчамлари бўйича **Ўз РСТ 25100-95** асосида синфларга бўлиниши 9 - жадвалда келтирилган

**Кумли чўкинди тоғ жинсларининг таснифи.**


Минерал таркиби бўйича:

– **мономинерал** (кварцли кумлар, дала шпатли);

– **полиминерал** (дала шпатли, кварц, биотит, роговая обманка);

– **шағал тошли ва кумли грунтлар**

БУ грунтларнинг гранулометриқ таркиби бўйича **Ўз РСТ 25100-95** асосида турларга бўлиниши куйидаги 10 - жадвалда келтирилган



Ўз РСТ 25100-95 асосида синиқ парчали чўкинди тоғ жинсларини заррачаларининг ўлчамлари бўйича синфларга бўлиниш жадвали:

Заррачалар ўлчамлари, мм	Синиқ парчалар шакллари	
	Сирти силлиқ	Қиррали
200 дан катта	Харсанг тошлар (валуны)	Чарх тошлар (глыбы)
200...100	Палохмон тош (булыга)	Қиррали тошлар (камни)
100...20	Майда тош (галька)	Қиррали майда тош (щебень)
20...2	Қум аралаш тош (гравий)	Пай (хрящ)
		Дресва
	20...10	10...2
2...0,05	Қумли	
0,05...0,005	Чангли	
0,005 дан кичик	Лойли	

Шағал тошли ва қумли грунтларнинг турларини аниқлаш жадвали

Шағал тошли ва қумли грунтларнинг турлари	Грунт заррачаларининг йириклиги бўйича турларга бўлиниши, (грунтнинг умумий оғирлигига нисбатан % ҳисобида).
<b>А. Шағал тошли</b>	
Чақиқ тошли	200 мм дан катта заррачаларнинг миқдори 50 % ортиқ бўлса,
Шағалли грунт	10 мм дан катта заррачаларнинг миқдори 50 % ортиқ бўлса
Гравийли грунт (дресва)	2 мм дан катта заррачаларнинг миқдори 50 % дан ортиқ бўлса.
<b>Б. Қумли</b>	
гравийли қум ( қум аралаш майда тошли) ( $d > 2$ мм);	2 мм катта заррачаларнинг миқдори 25% ортиқ бўлса;
Йирик қум ( $d = 2...0,5$ мм);	0,5 мм катта заррачаларнинг миқдори 50% ортиқ бўлса;
Ўртача йирикликдаги қум ( $d = 0,5...0,25$ мм);	0,25 мм катта заррачаларнинг миқдори 50% ортиқ бўлса;
Майда қум ( $d = 0,25...0,1$ мм);	0,10 мм катта заррачаларнинг миқдори 75% ортиқ бўлса
Чангсимон қум ( $d < 0,1$ мм);	0,10 мм катта заррачаларнинг миқдори 75% кам бўлса.

*Изоҳ. 11 жадвал орқали шағал тошли ва қумли грунтларнинг турини аниқлаш учун, уларни ташкил этган қаттиқ минерал заррачаларнинг % миқдори кетма – кет қўшиб борилади, олдин 200 мм дан катта, кейин 10 мм дан катта, ундан кейин эса 2 мм дан катта ва х.к.з. Шу тартибда қўшиб аниқланган грунт заррачаларнинг % миқдори 1 – жадвал билан таққосланиб қумли грунтнинг тури қабул қилинади.*

Қумли грунтлар заррачалари таркибининг жинслилик даражаси бўйича бир ва кўп жирсли бўлади, яъни:

$C_u = \frac{d_{60}}{d_{10}}$ ; агарда  $C_u < 3$  бўлса бир жинсли,  $C_u \geq 3$  бўлса кўп жинсли бўлади.



### Келиб чиқиши бўйича:

денгизларда; дарёларда; кўлларда; эолсимон (шамол таъсирида) ҳосил бўлади.

### Зичлиги бўйича:

зич; ўртача зичликга эга; ғоовак ҳолатда бўлади.

Сув ўтказувчанлиги сезиларли даражада катта.

Майда тошли, йирик ва ўрта йирикликдаги қумлар – иншоотлар учун яхши асосдир. Майда ва чангли қумлар – бўш асос бўлиб, сувга тўйинганда юмшоқ лой кўринишига ўтади. Қумли асос тебранувчан юклар таъсирида турғунлигини йўқотади. Қурилиш материали сифатида, бетон ва қурилиш қоришмаларига тўлдирувчи сифатида ишлатиш мумкин.

**Лойли жинслар** - лойли, чангли ва қумли заррачалардан иборат бўлади.

Лойли жинсларнинг мустаҳкамлиги ва физик ҳолати уларнинг намлиги (табiiй оқиш ( $W_L$ ) ва қотиш ( $W_P$ ) чегарасидаги намликлари) ва консистенция кўрсаткичига боғлиқ.

Грунтнинг намлиги қуйида келтирилган ифода орқали аниқланади:

$$W = \frac{m_w}{m_d} \quad (4)$$

Буерда:  $m_w$  – грунт таркибидаги сувнинг массаси;

$m_d$  – қаттиқ заррачалар массаси.

11 - жадвал

### Лойли жинслар классификацияси

Тоғ жинси номи	Лойли заррачалар улуши	Изоҳ
Лойлар(глина)	30% дан кўп	Қумли ёки чангли заррачаларнинг миқдорида қараб қумли ёки лойли бўлиши мумкин
Соз тупроқлар (суглинок) :	30...10%	
оғир	30...20%	
Ўртача	20...15%	
Енгил	15...10%	
Супеслар:	10...3%	
Оғир	10...6%	
Енгил	6...3%	

Лойли грунтларнинг оқувчанлик ва пластиклик чегарасидаги намлиги аниқ бўлса унинг пластиклик сони ва ҳолат кўрсаткичини аниқлаш мумкин.

Лойли грунтнинг оқувчанлик чегарасидаги намлиги ( $W_L$ ) билан пластиклик чегарасидаги намлиги ( $W_P$ ) орасидаги миқдор жиҳатдан фарқ лойли грунтнинг пластиклик сони дейилади. Бу кўрсаткич қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$J_P = W_L - W_P \quad (5)$$

Лойли грунтнинг пластиклик сони ( $J_P$ ) га қараб унинг тури (номи) аниқланади.


## Лойли грунтларнинг пластиклик сони бўйича турларга бўлиниш жадвали

Лойли грунтнинг номи	Лойли заррачалар миқдори % хисобида	Пластиклик сони $J_p$
Соф лой	>30	$J_p > 0,17$
Қумоқ грунт	10 ÷ 30	$0,07 < J_p < 0,17$
Қумлоқ грунт	3 ÷ 10	$0,01 < J_p < 0,07$
Қум	>3	пластикликга эга эмас

Лойли грунтга хос бўлган яна бир кўрсаткич унинг ҳолат (консистенция) кўрсаткичидир. Бу кўрсаткич қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$J_L = \frac{W - W_p}{W_L - W_p} \quad (6)$$

Агарда  $J_L > 1$  бўлса у ҳолда грунт оқувчан ҳолатда бўлади,  $J_L < 0$  бўлса яъни  $W < W_p$  бўлганда грунт қаттиқ ҳолатда бўлади. Консистенция кўрсаткичининг оралиқ қийматларида  $0 < J_L < 1$  бўлганда, лойли грунт пластик ҳолатда бўлади. Демак лойли грунтнинг консистенция кўрсаткичи уларнинг ҳолатини белгилар экан



7-расм. Гил тупроқлар мустақ камлигини уларнинг намлигига боғлиқлиги

Лойли грунтларнинг консистенция кўрсаткичининг қиймати бўйича ҳолати 13-жадвалда келтирилган

## 13 -жадвал

## Лойли грунтларнинг консистенция кўрсаткичи бўйича ҳолатини белгилш жадвали

Лойли грунтнинг ҳолати	Консистенция кўрсаткичи $J_L$
Қумлоқ тупроқ (супесь) каттиқ пластик оқувчан	$J_L < 0$ $0 < J_L \leq 1$ $J_L > 1$
Қумоқ тупроқ ва соф лой (суглинок ва глина) каттиқ ярим қаттиқ қаттиқ пластик юмшоқ пластик оқувчан пластик оқувчан	$J_L < 0$ $0 < J_L \leq 0,25$ $0,25 < J_L \leq 0,50$ $0,50 < J_L \leq 0,75$ $0,75 < J_L \leq 1$ $J_L > 1$

Лойли тоғ жинслари қуйидаги минераллардан ташкил топган:

- **бирламчи минераллардан** (кварц, дала шпатлари, слюда);

- **иккиламчи лойли минераллардан** (каолинит, монтмориллонит).

Лойли тоғ жинсларининг ўзига хос хусусиятлари:

- намлик таъсирида **кўпчиши (бўкиши)**;
- қуриш даврида **қисқариши**;
- **пластиклик; ёпишқоқлик; чўкувчанлик** (лёссли жинсларда).

Лойли жинслар барча чўкинди тоғ жинсларининг 50% ташкил этади. Етарлича мустаҳкамликка эга бўлганда ва паст намликда иншоотлар учун яхши асос бўлиб хизмат қилади. Тупроқдан қилинган иншоотлар учун ашё сифатида ишлатилади.

**Цементлашган синиқ парчали тоғ жинслари** табиий боғловчи моддалар ёрдамида цементлашиши натижасида хосил бўладилар. Уларнинг мустаҳкамлиги цементнинг таркиби ва ички тузилишига боғлиқ.

<b>Бўш (юмшок)</b>	<b>Цементлашган</b>
<b>Майда тош</b>	<b>Конгломерат</b>
<b>Майда тош қум аралаш</b>	<b>Гравелит</b>
<b>шағал, пай, дресва</b>	<b>Брекчия</b>
<b>қум</b>	<b>Песчаник</b>
<b>чангли</b>	<b>Алевролит</b>
<b>лойли</b>	<b>Аргиллит</b>


**Цемент таркиби бўйича қуйидагича бўлади:**

лойли; гипсли; оҳакли; темирли; кремнийли; аралаш.


<b>1</b>	<b>Лойли</b>	↓ <b>Мустаҳкамлик нинг ортиши</b> ↓	<b>Бўш</b>
<b>2</b>	<b>Гипсли</b>		<b>Бўш</b>
<b>3</b>	<b>Оҳакли</b>		<b>Ўртача</b>
<b>4</b>	<b>Темирли</b>		<b>Мустаҳкам</b>
<b>5</b>	<b>Кремнийли</b>		<b>Мустаҳкам</b>
<b>6</b>	<b>Аралаш</b>		<b>Таркибидан боғлиқ</b>

**Структураси бўйича:**


– **контактли; ғовакликлари цементланган ; базальтсимон**



*Контактли – синиқларнинг контактланув жойларида*



*Ғовакликлари цементланган*



*Базальтсимон*

8-расм. Цементлашган синиқ тоғ жинслари структураларининг турлари

Цементланган синиқ парчали тоғ жинслари иншоотлар учун яхши асос бўлиб хизмат қилади ва қурилиш материали сифатида ишлатилади.

### Органоген чўкинди тоғ жинслари таснифи.

Органоген чўкинди жинслар ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ҳаёт фаолияти маҳсули бўлиб, зооген ҳамда фитоген турларга ажратилади.

Зооген	Кимёвий таркиби бўйича	Фитоген	Кимёвий таркиби бўйича
Оҳактошлар	Карбонатли	Диатомит	Кремнийли
Мергель		Трепел	
		Опока	
		Торф	Ёнувчан

**Оҳактошлар** – энг кўп тарқалган чўкинди жинс, одатда денгизда ҳосил бўлади. Асосан  $CaCO_3$  дан иборат, лекин кўпинча турли қоришмаларни ҳам ўз таркибига олади.

Таркиби бўйича			Ички тузилиши бўйича	
1	Софлари	$> 95\% CaCO_3$	1	Чиганоқлар
2	Лойли	$CaCO_3 + 5...25\%$ лойлар	2	Ғовакли
3	Гипсли	$CaCO_3 + 5...25\%$ гипс	3	Ерли
4	Доломитлашган	$CaCO_3 + 5...25\% MgCO_3$	4	Зич
5	Кремнийли	$CaCO_3 + 5...25\% SiO_2 + 2H_2O$	5	Кристаллк

Таркиби ва ички тузилишига боғлиқ ҳолда турли мустаҳкамлик ва зичликка эга. Етарли мустаҳкамликка эга бўлган ҳолда иншоотлар учун асос сифатида фойдаланилади. Қурилиш материали, безак бериш материали ва цемент ва оҳак тайёрлашда хомашё сифатида ишлатилади.

**Мергель** – аралаш жинс бўлиб, органик жисм ва лойнинг биргаликда чўкиши натижасида ҳосил бўлади:  $CaCO_3 + 25-50\%$  лой – қаттиқ, тошсифат жинс. Цемент ишлаб чиқаришда хомашё сифатида ишлатилади.

**Диатомит, трепел, опока** – бир клеткали диатомали сувости ўсимликлари  $SiO_2 + 2H_2O$  дан ҳосил бўлади ва бир-биридан зичлиги билан фарқ қилади. Кам тарқалган, цемент сифатини орттириш мақсадида қушимча сифатида ишлатилади.

Бўш	диатомит	}	Цемент ишлаб чиқоришда унинг сифатини орттириш мақсадида қушимча сифатида ишлатилади.
Зичроқ	трепель		
Зич	опока		

### Ёнилғилар:

- **кўмирлилар** - торф, тошкўмир, антрацит, ёнилғи аралашмалари;
- **битумлилар** - нефть, битум, табиғий ёнилғи газлар.
- **торф** – емирилган ўсимликлар қолдиқлари, ботқоқликларда ҳосил бўлади, юқори даражадаги сиқилувчанлик ва намланувчанлик хусусиятга эга. Асос сифатида яроқсиз. Қурилишда иссиқлик сақловчи материал сифатида

ишлатилади. Мустахкамлиги ва сиқилувчанлигига боғлиқ холда қурилишнинг турли соҳаларида ишлатилади.

***Кимёвий чўкинди тоғ жинслари таснифи.***

Кимёвий чўкинди тоғ жинслари табиий тўйинган қоришмаларнинг йғилган тузлардан хосил бўлади. Кимёвий таркиби бўйича карбонатли, сульфатли, галоидли бўлади.

Барча кимёвий чўкинди тоғ жинслари сувда эрувчандир. Сувда эриш даражаси бўйича оғир эрувчан, ўртача эрувчан ва енгил эрувчан турларга бўлинади. Эрувчанлик даражаси уларнинг кимёвий таркибидан аниқланади. Чўкинди тоғ жинсларининг эрувчанлигини уларни асос сифатида ишлатилганда ҳисобга олиш зрур. Цемент ва оҳак ишлаб чиқариш саноатида хомашё сифатида фойдаланилади.

<i>а)</i>	<i>Карбонатли (оғир эрувчан, эрувчанликги 0,01 г/л дан камроқ)</i>	<i>Оҳактош, оҳакли туф, доломит, магнезит</i>
<i>б)</i>	<i>Сульфатли (ўртача эрувчан, эрувчанликги тахминан 2 г/л)</i>	<i>Гипс, ангидрит</i>
<i>в)</i>	<i>Галоидли (енгил эрувчан, эрувчанликги 400 г/л дан кўпроқ)</i>	<i>Аччиқтош</i>

**3.5. 3 - топшириқ. Чўкинди тоғ жинсларини ташқи белгиларига қараб ўрганиш ва уларнинг турини аниқлаш**

Топшириқни бажариш учун берилган вариант асосидаги чўкинди тоғ жинсларини ташқи белгиларини намуналарда диққат билан ўрганинг, уларнинг физик хоссаларини ҳамда асосий кўрсаткичлари, минералогик таркиби структураси текстураси, рангига, оғирлиги ва бошқа белгиларига қараб қайси чўкинди тоғ жинсларига мансублигини интернет маълумотлари, услубий қўлланмалар ва кўрсатмалар ёрдамида аниқланг, олинган натижаларни жадвалга киритинг.

***3.5.1. Таъриба ўтказиш учун керакли асбоблар, жиҳозлар ва ашёлар:***

- минераллар коллекцияси (ташқи белгилари аниқ ва ўлчамлари 5x7x3см дан кам бўлмаслиги керак);
- минералларни аниқлаш учун жадваллар ва схемалар;
- Моснинг қаттиқлик шкаласи;
- агарда Мосс шкаласи бўлмаса, унинг ўрнига қуйидагилардан фойдаланиш мумкин;
- графитли юмшоқ қалам – қаттиқлик даражси 1,0;
- тирноқ, қаттиқлик даражси – 2,5;
- мих ёки сим қаттиқлик даражси – 4,0;
- шиша қаттиқлик даражси – 5;
- пўлат пичок , тикув игнаси қаттиқлик даражси – 6;
- кварц қаттиқлик даражси – 7.

### 3.5.2. Ишни бажариш тартиби:

1. Талаба чўкинди тоғ жинслари намуналарини минераллар коллекциясидан танлаши учун унга вариант берилади. Талабанинг гуруҳ журналидаги тартиб рақами, унинг варианты сифатида қабул қилинади;
2. Танланган вариант асосида, талаба чўкинди тоғ жинслари намуналарининг номини 15–жадвалдан олиб, 14 –жадвалга киритади ва уларни минераллар коллекциясидан ажратиб олади;
3. Минераллар коллекциясидан ажратиб олинган чўкинди тоғ жинсларининг физик хоссалари, кайси тоифага, гуруҳга ёки турга мансублиги асосли далиллар билан, яъни уларнинг минералогик таркиби, структураси, текстураси, ранги, оғирлиги ва бошқа белгиларини, ўқув қўлланма, услубий кўрсатмалар, интернет ҳамда 1, 2 – иловаларда келтирилган маълумотлардан фойдаланиб талаба томонидан тўлиқ ўрганилади ва тасниф ёзилади;
4. Талаба томонидан ўрганиб, тасниф қилинган чўкинди тоғ жинслари 14-жадвалга қуйидаги тартибда киритилади: чўкинди тоғ жинсларининг номи, ранги, структураси, текстураси, HCl билан ўзаро алоқаси, синфи, ишлатилиш соҳаси.

14- жадвал

Танланган вариант бўйича чўкинди тоғ жинсларининг намуналари билан танишиш, уларнинг физик хоссаларини ҳамда ташқи белгиларини ўрганиш асосида намунанинг турини аниқлаш бўйича олинган натижаларни қайд этиш журнали

Вариант т/р	Чўкинди тоғ жинсининг номи	Ранги	Структураси	Текстураси	HCl билан ўзаро алоқаси	Синфи	Ишлатилиш соҳаси
1	2	3	5	6	7	8	9

15- жадвал

Танланган вариант бўйича чўкинди тоғ жинасларини ҳосил қилувчи минераллар номини танлаш жадвали

Вариант т/р	Чўкинди тоғ жинсларининг номи	Вариант т/р	Чўкинди тоғ жинсларининг номи	Вариант т/р	Чўкинди тоғ жинсларининг номи
1	Галит	9	Известковый туф	17	Марганез
	Ангидрит		Травертин		Гипс
	Алебастр		Каменная соль		Андезит
	Гипс		Ангидрит		Сульфат
	Кальцит		Гипс		Гипс
2	известковый шпат	10	мел (писчий мел)	18	Мергел
	Исландский шпат		Доломит		Трепел
	Арагонит		Криноидный известняк		Диорит
	Доломитом		Коралловый известняк		Пегматит
	Анкерит		Массивный известняк		Галит

3	Барит	11	Трепел	19	Ангидрит
	Целестин		Кремнийлисланец (лидит)		известковый шпат
	Стронцианит		Кремень		Исландский шпат
	Витерит		Опал		Барит
	Каолин		Торф		Целестин
4	Глина	12	Бурый уголь	20	Алебастр
	Суглинок		Каменный уголь		Гипс
	Мергель		Графит		Кальцит
	Лёсс		Мергель		Арагонит
	Мергелистые конкреции		Доломит		Доломитом
5	Сланцеватая глина	13	Конгломерат	21	Витерит
	Галька		Липарит-туфи		Каолин
	Валун		Аллит		Суглинок
	Эоловый многогранник		Гипс		Мергель
	Шлифующее действие ветра		Валун		Валун
6	Брекчия	14	Боксит	22	Суглинок
	Конгломерат		Сидерит		Сланцеватая глина
	Тиллит		Кремний		Галька
	Аркоз		Кум		Валун
	Граувакка		Охак тош		Валун
7	Ангулятовый песчаник	15	Абсидиан	23	Эоловый многогранник
	Мурнауский кварцит		Халцедон		Шлифующее действие ветра
	Глауконитовый песчаник		Яшма		Брекчия
	Кварцит		Кўмир		Конгломерат
	Молассовый песчаник		Фтанит		Халцедон
8	Пестрый песчаник	16	Охактош	24	Яшма
	Известковые туфы		Биостелла		Кўмир
	Карлсбадский шпрудельштейн		Доломит		Кум
	Гороховые камни		Магнезит		Охак тош
	туф (гейзерит)		Фосфорит		Абсидиан

### 16- жадвал

Чўкинди тоғ жинслари намуналари билан танишиш, уларнинг физик хоссаларини ҳамда ташқи белгилдрини ўрганиш асосида номини аниқлашга доир мисоллар

Вар иан т\р	Чўкинди тоғ жинсларининг номланиши	Ранги	Структур аси	Тектураси	НСI билан узуро алоқаси	Синфи	Ишлатилиш соҳаси
1	2	3	4	5	6	7	8
	Галит	Оқ, қиз ғиш кўкимтир	Шишаси мон	Майда кристалли	-	Галло идлар	Киме саноатида хомашё сифатида ишлатилади
	Кальцит (Исландия шпати). Оддий кальцит	Оқ, сарғиш, кўкимтир, хаворанг	Шишаси мон	Кристаллар и тригональ ва сингония шаклида.	CaCO <sub>3</sub>	Карбо натлар	Курилишда, металлургияда

х	Доломит	Ок, сарғиш, кўкимтир, кизил, зангори, малласимон ранг	Шишасимон	Кристаллари тригональ ва сингонии шаклида	CaMg·[CO <sub>3</sub> ] <sub>2</sub>		Металлургияда, цемент ишлаб чиқариш саноатида ишлатилади
	Пирит (олтингургурт колчедани)	Сарғиш	Металлсимо		FeS	Сулфатлар	Олтингургурт кислотаси олишда ишлатилади
	Лимонит (темиртош)	Сарғиш, қорамтир	Металлсимо ярим металлсимо		Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> ·nH <sub>2</sub> O	Сувли оксидлар	Темир рудаси олишда ишлатилади

#### IV. МЕТОМОРФИК ТОҒ ЖИНСЛАРИ

Ер юзасида нураш жараёни бўлиб ўтади. Бу дегани тоғ жинслари емирилишидир. Чуқурроқда цементлашув соҳаси жойлашган. Нураш ва цементлашув соҳаси остида тахминан 800 метр чуқурликда метоморфизм соҳаси жойлашган.

Метаморфик жараён деганда ер қарида мавжуд бирламчи тоғ жинслар таркибининг, структурасининг ва тузилишининг тубдан ўзгаришга ва янги жинсларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи жараёнлар мажмуаси тушунилади.

##### 4.1. Метаморфик тоғ жинсларининг кимевий таркиби

Купчилик метаморфик тоғ жинслари силикатли таркибга эга булиб, минералогик курсатгичлари буйича магматик жинсларга яқин туради. Уларнинг таркибида асосий жинс ҳосил килувчи минераллар сифатида дала шпати, слюдалар, шохли алдамчи, кварц ва бошқа минераллар учрайди. Айрим ҳолларда кальцит ва доломитлардан иборат бўлган карбонатли метаморфик жинслар ҳам учрайди.

Метаморфик жинсларига тўлиқ кристалли структуралар ҳосилдир, аммо улар оловли аралашмаларнинг котишидан эмас, балки бирламчи жинсларнинг қайта кристалланишидан ҳосил бўлади. Кўпчилик метаморфик жинслар учун сланец-симонлик белгиси ҳосилдир.

##### Текстура:

- *қатламли*;
- *сланецли* (пластинкали минералларнинг бирбирига нисбатан бир хил параллель жойлашиши);
- *йўл-йўл* (минераллар тўпламининг йўл-йўл шаклда жойлашиши);
- *массив*.

Метаморфик тоғ жинслари физик – механик хоссалари буйича магматик тоғ жинсларидан биров кейин туради, чунки сланецсимонлик уларга анизотропик хоссасини бериб, уларнинг тез нурашига олиб келади.

##### 4.2. Метаморфик тоғ жинсларининг таснифи

Метаморфик тоғ жинслари турли хил белгиларига, кимевий ва минералогик таркибига, текстуравий белгиларига ва ҳосил бўлиш шароитларига қараб тасниф қилинади.



Анна шу белгиларига қараб метаморфик жинсларнинг таснифи: гнейслар; сланецлар; амфиболитлар; серпентинитлар; мрамрлар; кварцитлар; яшмалар.

**Гнейслар** ўта қаттиқ жинслар бўлиб, кварц, дала шпати ва слюдага бой, ранги ва минерал таркибига кура гранитга ухшаб кетади. Таркибидаги минералларига қараб улар боититли, амфиболли пироксенли, гранатли ва бошка турларга булинади. Ранги кулранг – пушти, кулранг – саргиш булади. Улар сланецсимон ва йўл – йўл текстураси билан характерланади. Хажмий массаси 1800 – 2400 кг/м<sup>3</sup>. Гнейслар яхши курилиш материалидир.

**Сланецлар сланецсимон** (вараксимон) ёки йўл – йўл текстураси билан характерланиб, юпка катламлардан иборат. Катламлар бир – биридан осон ажралади.

Минерал таркибига қараб слюдали, хлоритли, талькли, гили, кремнийли, темирли сланецлар бўлади. Сланецлар курилиш материали сифатида ишлатилади.

**Кварцитлар** асосан кварцли кумтошнинг метаморфизм жараёнига дуч келишидан пайдо бўлади. Кварцитлар жуда зич ва мустахам бўлиб, сикилишдаги мустахамлиги 350 мПа га тенг. Таркибидаги аралашмаларига қараб оқ, кулранг, пушти, қизил рангли бўлиши мумкин. Кварцитлар курилишда коповчи тош сифатида ишлатилади.

**Мрамртошлар** кристалланган жинс булиб, асосан охактош ёки доломитларнинг узгаришидан хосил булади. Мрамртошлар майда, ўрта ва йирик донали кристалли турларга булинади. Тоза мрамртош оқ, графит ва кўмирсимон моддалар аралашган бўлса, кулранг, сариқ, пушти, қизил ва қора рангли булади.

Мрамртош халқ хужалигининг турли сохаларида: бинокорликда; метрода; нақшкорликда; айқалторошлиқда кенг ишлатилади.

Ўзбекистонда мрамр Гузалкент, Октош, Шахрисабз, Мираки, Гозгон ва бошка конлардан қазиб олинади.

#### **4-топшириқ. Метоморфик тоғ жинсларини ташқи белгиларига қараб урганиш ва уларнинг турини аниқлаш**

##### **4.3.1. Тажриба ўтказиш учун керакли асбоблар, жиҳозлар ва ашёлар:**

– минераллар коллекцияси (ташқи белгилари аниқ ва ўлчамлари 5x7x3см дан кам бўлмаслиги керак);

– минералларни аниқлаш учун жадваллар ва схемалар;

– Моснинг қаттиқлик шкаласи;

– агарда Мосс шкаласи бўлмаса, унинг ўрнига қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

– графитли юмшоқ қалам – қаттиқлик даражси 1,0;

– тирноқ, қаттиқлик даражси – 2,5;

– мих ёки сим қаттиқлик даражси – 4,0;

– шиша қаттиқлик даражси – 5;

– пўлат пичок, тикув игнаси қаттиқлик даражси – 6;

– кварц қаттиқлик даражси – 7.

### 4.3.2. Ишни бажариш тартиби:

1. Талаба метоморфик тоғ жинслари намуналарини минераллар коллекциясидан танлаши учун унга вариант берилади. Талабанинг грух журналидаги тартиб рақами, унинг варианты сифатида қабул қилинади;

2. Танланган вариант рақами асосида, талаба метоморфик тоғ жинслари намуналарининг номини 19 –жадвалдан олиб, 18 –жадвалга киритади ва уларни минераллар коллекциясидан ажратиб олади;

3. Минераллар коллекциясидан ажратиб олинган метоморфик тоғ жинсларининг физик хоссалари, кайси тоифага, гурухга ёки турга мансублигини асосли далиллар билан, яъни уларнинг минералогик таркиби, структураси, текстураси, ранги, оғирлиги ва бошқа белгиларини, ўқув қўлланма, услубий кўрсатмалар ва интернет маълумотлариридан фойдаланиб талаба томонидан тўлиқ ўрганилади;

4. Талаба томонидан ўрганиб, тасниф қилинган метоморфик тоғ жинсларини қайд этиш журналига (18-жадвалга) қуйидаги тартибда киритилади: метоморфик тоғ жинсининг номи, ранги, структураси, текстураси, жинс ҳосил қилувчи минераллари, махсус белгилари, ишлатилиш соҳаси.

#### 18 - жадвал

Танлангн вариант бўйича **метоморфик тоғ жинслари намуналарининг** ташки белгиларига қараб ўрганиш ва уларнинг турини аниқлаш **бўйича олинган натижаларни қайд этишг журнали**

Вариант т/р	Метоморфик тоғ жинсининг номи	Ранги	Структураси	Текстураси	Жинс ҳосил қилувчи минераллари	Махсус белгилари	Ишлатилиш соҳаси
1	2	3	5	6	7	8	9

#### 19 - жадвал

Танланган вариант бўйича метоморфик тоғ жинасларини ҳосил қилувчи минераллар номини танлаш жадвали

Вариант т/р	Минералларнинг номи	Вариант т/р	Минералларнинг номи	Вариант т/р	Минералларнинг номи
1	Гнейс	9	Охак	17	Касситерит
	Гилли сланец		Олмос		Сфалерит
	Амфиол		Топаз		Лимонит
	Пигматит		Оникс		Родохрозит
	Талкли гнейс		Очковий сланец		Романешит
2	Мусковит кварц	10	Слюда	18	Кварцит
	Биотит		Роговик		Лойли сланец
	Гнейс		Мармар		Змевик
	Филлит		Амфиолит		Хромит
	Слюдали сланец		Кварцит		Сидерит
3	Амфиолит	11	Лойли сланец	19	Тектит
	Кварцит		Змевик		Вольфрамит
	Мармар		Сидерит		Молибдинит
	Эклогит		Тектит		Вульфенит
	Серпентинит		Лимонит		Никелин

4	Кальцит(ксеноморф)	12	Родохрозит	20	Гарниерит
	Магнезит		Романешхт		Кобальтин
	Сидерит		Хромит		Скуттерудит
	Амфиболит		Вольфрамит		Деклуазитъ
	Қизил мармар		Молибдинит (		Ильменит
5	Мармар	13	Вульфенит	21	Титанит (сфен)
	Орто амфиболит		Никелин		Колумбит
	Биотит		Пентландит		Халкопрхт
	Доломитли мармар		Гарниерит		Ильменит
	Лаазерли мармар		Кобальтин		Титанит (сфен)
6	Олмос	14	Скуттерудит	22	Колумбит
	Очковий сланец		Деклуазитъ		Халкопрхт
	Хлоритли сланец		Карнотит		Орто амфиболит
	Валленфельз		Ильменит		Мусковитли кварц
	Наполеон		Титанит (сфен)		Никелин
7	Гилли сланец	15	Колумбит	23	Гнейц
	Орто амфиболит		Халкопрхт		Филлит
	Биотит		Борнит		Слюдали сланец
	Оникс		Куприт		Топаз
	Кварц		Церуссит		Оникс
8	Раговик	16	Кракоит	24	Очковий сланец
	Диорит		Галенит		Слюда
	Кварц		Молибдинит		Гнейц
	Ракушечник		Вульфенит		Талкли гнейс
	Орто амфиболит		Никелин		Мусковит кварц

20- жадвал

Метоморфик тоғ жинслари намуналари билан танишиш, уларнинг физик хоссаларини ҳамда ташқи белгилдрини ўрганиш асосида номини аниқлашга доир мисоллар

Вариант/р	Номла Ниши	Структураси	Текстураси,	Жинс ҳосил килувчи минераллар	Ишлатилиш соҳаси
1	2	3	4	5	6
	Мармар	Донадор	Массивли	Кальций карбонат, оҳактош	Қурилишда, безак ишларида ишлатилади
	Серпентинит, или змеевик	Кристаллический, зернистый	Массивли я	Перидотитлар доломитлап ва доломитли оҳактош	Қурилишда, жамоз бино ва иншоотлариди ички безак ишларида ишлатилади .
	Эклогит	Кристаллический, зернистый	Массивли	габбро ёки мергель	Қурилишда шағалтош сифатида, хайкалтарошликда эса абразив материал сифатида ишлатлади

	<b>Амфиболит</b>	<b>Кристаллический, донадор</b>	<b>Массивли</b>	<b>базальт,габбро, перидотитлар, мергелли софлой.</b>	<b>Қурилишда, маҳаллий қурилиш ашёси сифатида ишлатилади</b>
	<b>Гилили сланец</b>	<b>Кристаллический,</b>	<b>Массивли</b>	<b>Кварц, хлорит</b>	<b>Грифельли ёғоч ишлаб чиқоришда бўлиштирувчи шит тайёрлашда ишлатилади</b>

## **V. ГЕОЛОГО-ЛИТОЛОГИК ХАРИТА, КОЛОНКАЛАР ВА ГЕОЛОГИК ҚИРҚИМ ТУЗИШ**

### **5.1. Геолого - литологик харита, колонка ва геологик қирқим ҳақида маълумот.**

Қурилишга мўлжалланган майдоннинг маълум масштаб ва шартли белгилари орқали геологик тузилиши кўрсатилган текисликдаги график тасвирига қурилиш майдонининг режаси дейилади.

Қурилиш майдони режаси геологик харитадан олинади. Геологик хариталар, масштабига қараб:

- **тахлил (обзор)** (масштаби 1:1000000 ва ундан кичик);
- майда масштабли (1:1000000;1:500000);
- ўрта масштабли (1: 200000; 1:100000) ;
- йирик масштабли (1:50000 ва ундан йирик) хариталарга бўлинади.

Геологик хариталар турли тоифали бўлади. Одатда, умумий геологик хариталарни кўпроқ ишлатилади. Уларда ер юзасига чиқувчи турли келиб чиқишга, турли таркибга ва ёшга эга бўлган тоғ жинслари кўрсатилади. Бундан ташқари геологик тадқиқ ишларининг натижаларини ифодаловчи қатор махсус хариталар ҳам бўлади. Буларга:

1) литологик хариталар (турли таркибга эга бўлган ер юзасидаги тоғ жинслари кўрсатилади);

2) гидрогеологик хариталар (ер ости сувларининг тарқалиши, уларнинг ётиш чуқурликлари, сифати ва ҳ.к. кўрсатилган бўлади);

3) фойдали қазилмалар харитаси;

4) тўртламчи давр ётқизиклари ва бошқа хариталар.

Геологик харитага қўшимча равишда қурилиш майдонининг режасида келажакда қурилиши мўлжалланган бино ва иншоотларнинг контурлари, муҳандислик–геологик қазилмалар (шурфлар ва қудуқлар) жойлари ҳам кўрсатилади.

Қурилишга мўлжалланган майдоннинг режасини (харитасини) тузгандан сўнг, унда муҳандис геологик қидирув ишлари олиб борилади, шурф ва қудуқлар қазилади. Қудуқлар одатда тўғри тўртбурчак тўри шаклида ёки маълум йўналиш бўйича жойлаштирилади.

**Кудуқлар** тўғри тўртбурчакли тўри шаклида жойлаштирилганда, улар орасидаги масофалар 250x250 м (оддий геологик тузилишга эга бўлган майдонларда), 100x100 м (ўрта мураккабликга эга бўлган майдонларда) ва 70x70 м (мураккаб геологик тузилишга эга бўлган майдонларда) қабул қилинади. Кудуқларнинг чуқурлиги ва улар орасидаги масофа қурилиш майдони геологик шароитининг мурракаблигига қараб қабул қилинади. Одатда кудуқлар чуқурлиги 10 м дан 30 м гача олинади.

Кудуқларнинг жойлашуви уларнинг сони ва улар орасидаги масофа қуриладиган бинонинг ўлчамларига ва қурилиш майдони грунт шароитига боғлиқ. Кудуқлар пойдеворларнинг ўқлари ва бинонинг контурлари бўйлаб жойлаштирилиши керак. Уларнинг сони бино остида камида учта бўлиши шарт.

Ишчи чизмалар тузиш даврида, қурилиш майдонида мухандис геологик кидирув ишлари олиб бориш учун қазиладиган, шурф ва кудуқлар орасидаги масофа қурилиш майдони геологик шароитининг мурракаблигига қараб белгиланади. Оддий геологик тузилишга эга бўлган майдонларда – 100 м, ўрта мураккабликдаги майдонларда – 50 м, мураккаб геологик шароитларда эса 25 м ва ундан кам олиш тавсия этилади.

## 5.2. Геологик – қидирув қазилмалари.

**Траншеялар** - булар узун горизонтал қазилмалар бўлиб, ўртача кенглиги 0,8 м ва чуқурлиги 3 м гача бўлади. Одатда улар қатламлар жойлашиши йўналишига перпендикуляр қазилади.

**Шурфлар** – квадрат ёки тўғри тўртбурчакли шаклдаги вертикал қидирув қазилмалари бўлиб, кесим ўлчамлари 1,0x1,0; 1,0x1,5; 1,5x1,5 ва 1,5x2,0 м гача бўлади. Айрим ҳолларда шурфлар айлана кесимли қилиб ҳам қазилади. Шурфлар чуқурлиги одатда 3÷5 м, айрим ҳолларда 10÷15 м гача ва жуда камдан–кам ҳолларда 30 м гача қазилади.

**Кудуқлар** – геологик қидирув қазилмаларнинг энг кўп тарқалган тури бўлиб, вертикал ёки горизонтал йўналган цилиндр шаклидаги айлана кесимли бўлади. Кудуқлар махсус бурғуловчи механизмлар ёрдамида қазилади. Бурғуланган кудуқлар диаметри бурғуларнинг диаметрига боғлиқ.

Чуқурлик бўйича қатламларнинг ётиш характери тўғрисида аниқ равшан хулоса қилиш учун геологик хариталар одатда геологик профиллар (қирқимлар) билан тўлдирилади.

## 5.3. Геологик профиллар

**Геологик профиллар** ихтиёрий берилган йўналишда тузилади. Профил йўналишлари тўғри чизиклар бўйлаб ёки синиқ чизиклар бўйлаб ҳам тузилиши мумкин.

Қуйида геологик профиллар қурилишнинг умумий принципларини келтирамыз:

– танланган йўналиш бўйлаб геологик харитада чизиклар ўтказилиб, охири ҳарфлар ёки рақамлар билан белгиланади. Масалан, А–А, Б–Б, I–I, II–II ва ҳ.к.;

– профил масштаби танланади. Бунда горизонтал масштаб одатда харита масштаби билан бир хил олинади. Айрим ҳоллардагина профилни қуриш қулай бўлиши учун масштаб катталаштирилиши ёки кичрайтирилиши мумкин;

– вертикал масштаб шундай танланиши керакки, қурилган топографик профил жой рельефига мос булиши керак.

### **5-6- топшириқ. Геолого-литологик харита, колонка ва геологик қирқим тузиш**

Қурилишга мўлжалланган майдоннинг бош режасини (харитасини), горизонталлар баландлигини, грунт шароитини, қатламлар қалинлигини, колонкалар ҳамда геологик қирқим тузиш учун маълумотларини талаба ўзининг рейтинг дафтарчасининг охириг иккита рақами (№ ххххх) асосида қуйида келтирилган тартибда жадваллардан олади:

1. Рейтинг дафтарчаси рақами № ххххх талабанинг шифри бўлади.
2. 21-жадвалнинг **а**-қатори ва **б**-устуни кесишган жойдаги рақам қурилиш майдонининг тартиб рақами бўлади;
3. Қурилиш майдонининг тартиб рақами асосида 22-жадвалдан майдон горизонталларининг сон қиймати танланади ва 23 – жадвалга киритилади;
4. 23-жадвалда келтирилган горизонталларнинг сон қийматларини, қурилиш майдони режасида кўрсатилган горизонталларнинг индесига мос равишда қўйиб чиқилади (8- расм);
5. 24-жадвалдан **а** ва **б** рақамлар йиғиндиси қатори ва **б** рақам устуни кесишмасидаги рақам асосида грунт шароити танланади;
6. Грунт шароитининг рақами асосида 25 – жадвалдан қудуқлар буйича грунт қатламларининг қалинликларини, жойлашиш чуқурликларини ва ер ости сувининг жойлашиш сатҳини танлаб олиб 26 – жадвалга киритилади;
7. 26-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида бурғуланган қудуқларнинг қирқимлари (колонкоси) қурилади;
8. Қурилиш майдонида жойлашган бурғуланган қудуқларнинг қирқими (колон-калар) асосида қурилиш майдонининг геологик қирқими чизилади;
- 9 Қурилиш майдонини ташкил қилган грунтларнинг физик-механик хоссалари грунт индексларига мос равишда 27 - жадвалда келтирилган;

**21 – жадвал**

#### **Қурилиш майдонини вариантини танлаш жадвали**

Шифрнинг охиридан иккинчи рақами, (а)	Шифрнинг охириги рақами, (б)									
	9	8	7	6	5	4	3	2	1	0
<b>0</b>	1	2	<u>3</u>	4	5	6	7	<u>8</u>	9	10
<b>1</b>	2	1	2	3	4	5	6	7	8	9
<b>2</b>	3	10	9	8	7	6	5	4	9	8
<b>3</b>	4	9	8	7	6	5	4	3	10	7
<b>4</b>	5	8	9	6	7	8	3	2	9	6
<b>5</b>	6	7	10	5	9	8	2	1	8	5
<b>6</b>	7	6	9	4	3	2	1	2	7	4
<b>7</b>	8	5	8	7	6	5	4	3	6	3
<b>8</b>	9	4	3	2	1	2	3	4	5	2
<b>9</b>	10	9	8	7	6	5	4	3	2	1

22 – жадвал.

Қурилиш майдонидан ўтган горизонталларнинг сон қийматини танлаш жадвали


Қурилиш майдони варианти	Горизонталлар индекси					
	А	б	В	г	д	е
1	109.50	109.25	109.00	108.75	108.50	108.25
2	145.25	145.00	144.75	144.50	144.25	144.00
3	108.00	108.25	108.50	108.75	109.00	108.75
4	159.50	159.75	159.75	160.00	160.25	160.25
5	129.00	129.50	130.00	130.50	131.00	130.50
6	140.00	140.25	140.50	140.75	141.00	141.25
7	115.50	115.75	116.00	116.25	116.50	116.75
8	191.50	192.00	192.50	192.50	192.00	191.50
9	132.25	132.50	132.75	133.00	133.25	133.50
10	97.00	96.50	96.00	95.50	95.00	95.50

23 – жадвал

Қурилиш майдонидан ўтган горизонталларнинг рақамларини қайт қилиш жадвали

Қурилиш майдони т/р	Горизонталлар индекси					
	а	б	в	г	Д	е

Қурилиш майдонининг режаси (М. 1:500; 1:1000).



8-расм. Қурилиш майдонининг режаси

## Грунт шароитининг вариантыни танлаш жадвали

Шифр охирги икки рақами-нинг йигиндиси,(а + б)	Шифрнинг охирги рақами (б)									
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	0
1	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
2	4	5	6	7	8	9	10	11	12	11
3	3	23	22	21	20	19	18	17	13	12
4	2	24	11	10	9	8	7	16	14	13
5	1	1	12	7	6	5	6	15	15	14
6	24	2	12	8	11	4	5	14	16	15
7	23	3	13	9	12	3	4	13	17	16
8	22	4	14	10	13	2	3	12	18	17
9	21	5	15	11	14	1	2	11	20	18
10	20	6	16	12	15	24	1	10	21	19
11	19	7	17	13	16	23	24	9	22	20
12	18	8	18	14	17	22	23	8	23	21
13	17	9	20	15	18	21	22	7	24	22
14	16	10	21	16	19	20	21	6	23	23
15	15	11	22	17	18	19	20	5	22	24
16	14	12	23	24	1	2	3	4	21	1
17	13	13	14	15	16	17	18	19	20	2
18	12	11	10	9	8	7	6	5	4	3

## Кудуклар буйича грунт қатламларининг қалинлигини, жойлашиш чуқурликларини ва ер ости сувининг жойлашиш сатҳини танлаш жадвали

Тур	Кудук №1						Кудук №2						Кудук №3					
	Қатлам грунтнинг чуқурликлари					Г.С.С.	Қатлам грунтнинг чуқурликлари					Г.С.С.	Қатлам грунтнинг чуқурликлари					Г.С.С.
	1	2	3	4	5		1	2	3	4	5		1	2	3	4	5	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
1	$A \frac{1.1}{1.1}$	$B \frac{3.5}{4.6}$	$\Gamma \frac{2.7}{7.3}$	$D \frac{3.1}{10.4}$	$E \frac{4.5}{15.0}$	3.0	$A \frac{0.9}{0.9}$	$B \frac{3.8}{4.7}$	$\Gamma \frac{2.75}{7.45}$	$D \frac{3.7}{10.65}$	$E \frac{4.35}{15.0}$	3.5	$A \frac{0.8}{0.8}$	$B \frac{3.45}{4.25}$	$\Gamma \frac{3.3}{7.55}$	$D \frac{3.9}{10.45}$	$E \frac{4.35}{15.0}$	4.2
2	$B \frac{2.80}{2.80}$	$Ж \frac{3.30}{6.10}$	$З \frac{2.1}{8.2}$	$И \frac{3.30}{11.5}$	$K \frac{3.5}{15.0}$	3.0	$B \frac{2.6}{2.6}$	$Ж \frac{3.1}{5.7}$	$З \frac{1.9}{7.6}$	$И \frac{4.0}{11.6}$	$K \frac{3.5}{15.1}$	4.3	$B \frac{2.50}{2.50}$	$Ж \frac{3.1}{5.6}$	$З \frac{2.0}{7.6}$	$И \frac{3.6}{11.2}$	$K \frac{3.8}{15.0}$	4.4
3	$A \frac{1.0}{1.0}$	$\Pi \frac{3.0}{4.0}$	$M \frac{2.3}{6.3}$	$H \frac{4.6}{10.9}$	$O \frac{4.1}{15.0}$	9.9	$A \frac{0.9}{0.9}$	$\Pi \frac{3.3}{4.2}$	$M \frac{2.7}{6.9}$	$H \frac{2.45}{9.45}$	$O \frac{5.45}{14.9}$	9.4	$A \frac{0.7}{0.7}$	$\Pi \frac{2.2}{2.9}$	$M \frac{3.85}{6.75}$	$H \frac{2.85}{9.6}$	$O \frac{5.5}{15.1}$	9.6
4	$B \frac{1.3}{1.3}$	$\Pi \frac{1.5}{2.8}$	$P \frac{4.2}{7.0}$	$C \frac{2.1}{9.1}$	$T \frac{5.9}{15.0}$	2.3	$B \frac{1.1}{1.1}$	$\Pi \frac{2.1}{3.2}$	$P \frac{2.8}{6.0}$	$C \frac{3.25}{9.25}$	$T \frac{5.75}{15.1}$	2.1	$B \frac{1.4}{1.4}$	$\Pi \frac{1.8}{3.2}$	$P \frac{4.7}{7.4}$	$C \frac{2.1}{9.5}$	$T \frac{5.8}{15.3}$	2.4
5	$A \frac{1.1}{1.1}$	$B \frac{3.5}{4.6}$	$\Gamma \frac{2.6}{7.2}$	$E \frac{4.5}{11.7}$	$D \frac{3.1}{14.8}$	2.8	$A \frac{1.0}{1.0}$	$B \frac{3.5}{4.5}$	$\Gamma \frac{3.0}{7.5}$	$E \frac{3.8}{11.3}$	$D \frac{3.1}{14.4}$	2.9	$A \frac{0.6}{0.6}$	$B \frac{3.7}{4.3}$	$\Gamma \frac{3.2}{7.5}$	$E \frac{3.6}{11.6}$	$D \frac{3.5}{14.6}$	3.0



6	$B \frac{2.0}{2.0}$	$\Gamma \frac{2.8}{4.8}$	$\Delta \frac{3.2}{8.0}$	$E \frac{4.7}{12.7}$	$B \frac{2.4}{14.1}$	3.1	$B \frac{2.1}{2.1}$	$\Gamma \frac{3.0}{5.1}$	$\Delta \frac{3.0}{8.1}$	$E \frac{4.8}{12.9}$	$B \frac{2.1}{15.0}$	3.0	$B \frac{2.2}{2.2}$	$\Gamma \frac{3.2}{5.4}$	$\Delta \frac{2.9}{8.3}$	$E \frac{4.9}{13.2}$	$B \frac{2.0}{15.2}$	2.9
7	$A \frac{1.0}{1.0}$	$\Delta \frac{3.3}{4.3}$	$E \frac{4.6}{8.9}$	$B \frac{3.5}{12.4}$	$\Gamma \frac{2.6}{15.0}$	3.0	$A \frac{1.1}{1.1}$	$\Delta \frac{3.4}{4.5}$	$E \frac{4.5}{9.0}$	$B \frac{3.6}{12.6}$	$\Gamma \frac{2.5}{15.1}$	2.7	$A \frac{1.2}{1.2}$	$\Delta \frac{3.4}{4.6}$	$E \frac{4.7}{9.3}$	$B \frac{3.7}{13.0}$	$\Gamma \frac{2.1}{15.1}$	2.8
8	$B \frac{2.2}{2.2}$	$E \frac{4.5}{6.7}$	$B \frac{3.3}{10.0}$	$\Gamma \frac{2.5}{12.5}$	$\Delta \frac{3.1}{15.6}$	3.2	$B \frac{2.2}{2.2}$	$E \frac{4.5}{6.7}$	$B \frac{3.3}{10.0}$	$\Gamma \frac{2.5}{12.5}$	$\Delta \frac{3.1}{15.6}$	3.2	$B \frac{2.4}{2.4}$	$E \frac{4.5}{6.9}$	$B \frac{3.5}{10.4}$	$\Gamma \frac{2.2}{12.6}$	$\Delta \frac{3.3}{15.9}$	3.0
9	$A \frac{0.80}{0.80}$	$З \frac{2.2}{3.0}$	$И \frac{3.50}{6.5}$	$K \frac{3.7}{10.2}$	$Ж \frac{4.3}{14.5}$	3.1 5	$A \frac{0.70}{0.70}$	$З \frac{2.1}{2.8}$	$И \frac{3.60}{6.4}$	$K \frac{3.7}{10.1}$	$Ж \frac{4.2}{14.3}$	3.1	$A \frac{0.60}{0.60}$	$З \frac{2.0}{2.6}$	$И \frac{3.8}{6.4}$	$K \frac{3.9}{10.3}$	$Ж \frac{4.1}{14.4}$	3.2
10	$B \frac{2.1}{2.1}$	$И \frac{3.70}{5.8}$	$K \frac{3.9}{9.7}$	$Ж \frac{4.0}{13.7}$	$З \frac{1.8}{15.5}$	2.9	$B \frac{2.0}{2.0}$	$И \frac{3.8}{5.8}$	$K \frac{4.0}{9.8}$	$Ж \frac{4.0}{13.8}$	$З \frac{1.6}{15.4}$	2.8	$B \frac{1.9}{1.9}$	$И \frac{4.0}{5.9}$	$K \frac{4.1}{10.0}$	$Ж \frac{4.2}{14.2}$	$З \frac{2.0}{15.2}$	2.5
11	$A \frac{0.9}{0.9}$	$K \frac{3.5}{4.4}$	$Ж \frac{4.1}{8.5}$	$З \frac{2.5}{11.0}$	$И \frac{4.1}{15.1}$	3.0	$A \frac{1.0}{1.0}$	$K \frac{3.6}{4.6}$	$Ж \frac{4.0}{8.6}$	$З \frac{2.6}{11.2}$	$И \frac{4.2}{15.4}$	3.2	$A \frac{1.1}{1.1}$	$K \frac{3.7}{4.8}$	$Ж \frac{4.1}{8.9}$	$З \frac{2.7}{11.6}$	$И \frac{3.9}{15.5}$	3.1
12	$B \frac{2.6}{2.6}$	$P \frac{4.0}{6.6}$	$C \frac{2.2}{8.8}$	$T \frac{5.6}{14.4}$	$\Pi \frac{1.8}{16.2}$	2.8	$B \frac{2.7}{2.7}$	$P \frac{4.1}{6.8}$	$C \frac{2.3}{9.1}$	$T \frac{5.0}{14.1}$	$\Pi \frac{1.9}{16.0}$	3.0	$B \frac{2.6}{2.6}$	$P \frac{4.0}{6.6}$	$C \frac{2.2}{8.8}$	$T \frac{5.6}{14.4}$	$\Pi \frac{1.8}{16.2}$	3.3
13	$A \frac{0.5}{0.5}$	$C \frac{2.7}{3.2}$	$T \frac{5.1}{8.4}$	$\Pi \frac{2.0}{10.3}$	$P \frac{4.7}{15.0}$	3.0	$A \frac{0.7}{0.7}$	$C \frac{3.0}{3.7}$	$T \frac{5.0}{8.7}$	$\Pi \frac{2.1}{10.8}$	$P \frac{4.6}{15.4}$	3.3	$A \frac{0.6}{0.6}$	$C \frac{2.9}{3.5}$	$T \frac{5.2}{8.7}$	$\Pi \frac{2.3}{11.0}$	$P \frac{4.1}{15.1}$	3.2
14	$B \frac{2.5}{2.5}$	$T \frac{5.0}{7.5}$	$\Pi \frac{2.1}{9.6}$	$P \frac{3.5}{13.1}$	$C \frac{2.2}{13.3}$	3.3	$B \frac{2.6}{2.6}$	$T \frac{5.1}{7.7}$	$\Pi \frac{1.9}{9.7}$	$P \frac{3.6}{13.3}$	$C \frac{2.5}{15.8}$	3.1	$B \frac{2.5}{2.5}$	$T \frac{4.9}{7.4}$	$\Pi \frac{2.1}{9.5}$	$P \frac{3.3}{12.8}$	$C \frac{2.3}{15.1}$	3.0
15	$A \frac{0.4}{0.4}$	$Л \frac{3.1}{7.5}$	$H \frac{4.7}{8.2}$	$M \frac{2.5}{10.7}$	$O \frac{4.3}{15.0}$	10. 8	$A \frac{0.6}{0.5}$	$Л \frac{3.2}{3.7}$	$H \frac{4.8}{8.5}$	$M \frac{2.5}{11.0}$	$O \frac{4.8}{15.8}$	10. 9	$A \frac{0.6}{0.6}$	$Л \frac{3.2}{3.8}$	$H \frac{4.5}{8.3}$	$M \frac{2.7}{11.0}$	$O \frac{4.3}{15.3}$	11, 0
16	$B \frac{2.3}{2.3}$	$M \frac{2.4}{4.7}$	$H \frac{4.1}{8.8}$	$Л \frac{3.0}{11.8}$	$O \frac{3.1}{14.9}$	12. 0	$B \frac{2.2}{2.2}$	$M \frac{2.6}{4.8}$	$H \frac{4.3}{9.0}$	$Л \frac{3.1}{12.1}$	$O \frac{3.3}{15.4}$	11. 9	$B \frac{2.1}{2.1}$	$M \frac{3.0}{5.1}$	$H \frac{4.1}{9.2}$	$Л \frac{3.1}{12.5}$	$O \frac{3.2}{15.6}$	12, 1
17	$A \frac{0.7}{0.7}$	$M \frac{2.8}{3.5}$	$Л \frac{4.0}{7.5}$	$И \frac{3.5}{11.0}$	$O \frac{4.0}{15.0}$	7.5	$A \frac{0.6}{0.6}$	$M \frac{3.0}{3.6}$	$Л \frac{4.1}{7.7}$	$И \frac{3.6}{11.3}$	$O \frac{3.9}{15.2}$	7.6	$A \frac{0.8}{0.8}$	$M \frac{3.1}{3.9}$	$Л \frac{4.2}{8.1}$	$И \frac{3.7}{11.8}$	$O \frac{3.8}{15.6}$	8.0
18	$B \frac{2.0}{2.0}$	$H \frac{4.6}{6.6}$	$Л \frac{3.1}{9.7}$	$M \frac{3.2}{12.9}$	$O \frac{3.5}{16.4}$	12. 3	$B \frac{2.2}{2.2}$	$H \frac{4.8}{7.0}$	$Л \frac{3.2}{10.2}$	$M \frac{3.2}{13.4}$	$O \frac{3.1}{16.5}$	12. 9	$B \frac{2.4}{2.4}$	$H \frac{4.5}{6.9}$	$Л \frac{3.1}{10.0}$	$M \frac{3.3}{13.3}$	$O \frac{3.2}{16.5}$	13, 3
19	$A \frac{1.1}{1.1}$	$H \frac{4.3}{5.4}$	$M \frac{3.0}{8.4}$	$Л \frac{3.6}{12.0}$	$O \frac{3.0}{15.0}$	12. 0	$A \frac{1.0}{1.0}$	$H \frac{4.1}{5.1}$	$M \frac{3.4}{8.5}$	$Л \frac{3.3}{11.8}$	$O \frac{4.3}{16.1}$	11. 6	$A \frac{1.2}{1.2}$	$H \frac{4.2}{5.4}$	$M \frac{3.3}{8.7}$	$Л \frac{3.5}{12.2}$	$O \frac{3.5}{15.7}$	12, 1
20	$B \frac{1.3}{1.3}$	$K \frac{4.7}{6.0}$	$И \frac{3.5}{9.5}$	$Ж \frac{4.1}{13.6}$	$З \frac{2.9}{16.5}$	4.3	$B \frac{1.4}{1.4}$	$K \frac{4.6}{6.0}$	$И \frac{4.2}{10.2}$	$Ж \frac{4.0}{14.2}$	$З \frac{3.0}{17.2}$	4.3	$B \frac{1.4}{1.4}$	$K \frac{4.8}{6.2}$	$И \frac{3.8}{10.0}$	$Ж \frac{4.0}{14.0}$	$З \frac{2.9}{16.9}$	5.3
21	$\Pi \frac{0.9}{0.9}$	$\Delta \frac{3.0}{3.9}$	$E \frac{4.3}{8.2}$	$\Gamma \frac{2.8}{11.0}$	$B \frac{3.5}{14.5}$	3.8	$A \frac{0.8}{0.8}$	$\Delta \frac{3.2}{4.0}$	$E \frac{4.3}{8.3}$	$\Gamma \frac{3.0}{11.3}$	$B \frac{3.7}{15.0}$	3.9	$A \frac{1.0}{1.0}$	$\Delta \frac{3.4}{4.4}$	$E \frac{4.1}{8.5}$	$\Gamma \frac{3.0}{11.5}$	$B \frac{4.2}{15.7}$	4.0
22	$B \frac{2.7}{2.7}$	$E \frac{4.3}{7.0}$	$B \frac{3.9}{10.9}$	$\Delta \frac{2.9}{13.8}$	$\Gamma \frac{2.3}{16.1}$	3.8	$B \frac{2.9}{2.9}$	$E \frac{4.1}{7.0}$	$B \frac{3.5}{10.5}$	$\Delta \frac{3.0}{13.5}$	$\Gamma \frac{2.5}{16.0}$	4.0	$B \frac{2.5}{2.5}$	$E \frac{4.0}{6.5}$	$B \frac{3.8}{10.3}$	$\Delta \frac{2.7}{13.0}$	$\Gamma \frac{3.0}{16.0}$	4.1
23	$A \frac{0.3}{0.3}$	$B \frac{4.0}{4.3}$	$\Delta \frac{3.1}{7.4}$	$\Gamma \frac{2.6}{10.0}$	$E \frac{4.6}{14.6}$	3.2	$A \frac{0.4}{0.4}$	$B \frac{4.1}{4.5}$	$\Delta \frac{3.2}{7.7}$	$\Gamma \frac{2.3}{10.0}$	$E \frac{4.5}{14.5}$	3.5	$A \frac{0.3}{0.3}$	$B \frac{4.2}{4.5}$	$\Delta \frac{3.3}{7.6}$	$\Gamma \frac{2.6}{10.4}$	$E \frac{4.6}{15.0}$	3.7
24	$B \frac{1.7}{1.7}$	$Ж \frac{3.2}{4.9}$	$И \frac{4.0}{8.9}$	$З \frac{2.1}{11.0}$	$K \frac{4.0}{15.0}$	4.0	$B \frac{1.9}{1.8}$	$Ж \frac{3.4}{5.2}$	$И \frac{3.8}{9.0}$	$З \frac{2.3}{11.3}$	$K \frac{3.9}{15.2}$	4.1	$B \frac{2.0}{2.0}$	$Ж \frac{3.3}{5.3}$	$И \frac{4.0}{9.3}$	$З \frac{2.5}{11.8}$	$K \frac{3.8}{15.6}$	4.2

## Қурилиш майдони грунтларнинг физик-механик хоссалари

Т/р	Грунт индекси	Грунтнинг донадорлиги, % ҳисобида								Намлик чегараси		Грунт Заррачалари-нинг зичлиги	Грунт зичлиги	Табий намлиги, W	Сикилиш коэф, $m_v$
										Оқув-чанлик	Плас-тик-лик				
		>2,0 мм	2.00-0.5 мм	0.5 - 0.25 мм	0.25-0.10 мм	0.10 - 0.05 мм	0.05 - 0.01 мм	0.01 - 0.005 мм	<0.005 мм	$W_L$	$W_p$	$\gamma, \frac{кН}{м^3}$	$\gamma_s, \frac{кН}{м^3}$		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	17
1	А	Ўсимлик қатлами										16,8		0,162	-
2	Б	Тўқилма қатлам										17,2		0,250	-
3	В	0	0	0	0	40,2	18,2	19,0	22,63	0,251	0,194	20,0	26,8	0,240	0,012
4	Г	0,00	2,05	49,9	34,15	12,6	4,40	0,29	0,62	0	0	20,0	26,6	0,248	0,006
5	Д	0	0,00	0	0,00	25,4	24,2	25,9	24,39	0,365	0,235	20,2	26,9	0,257	0,08
6	Е	0,00	0,32	0,85	0,32	4,70	20,5	48,6	24,75	0,408	0,222	20,4	27,7	0,20	0,007
7	Ж	0,00	0,30	0,5	0,4	2,10	22,6	35,4	38,70	0,270	0,235	19,8	26,8	0,254	0,011
8	З	0,00	0,50	1,40	9,3	21,5	21,3	24,4	21,60	0,384	0,279	17,2	27,2	0,300	0,013
9	И	0,00	8,20	25,3	54,8	3,00	4,10	1,90	2,70	0	0	19,5	26,6	0,284	0,007
10	К	0,00	0,00	1,70	3,9	22,9	21,9	35,7	13,90	0,454	0,253	19,4	27,2	0,280	0,008
11	Л	0,00	0,40	0,20	0,70	12,7	20,0	28,0	38,00	0,30	0,18	19,3	27,4	0,230	0,014
12	М	0,00	0,60	1,00	1,50	5,00	19,0	42,9	30,00	0,53	0,306	17,2	27,3	0,337	0,012
13	Н	0,00	0,00	0,00	0,00	22,0	24,0	29,0	25,00	0,24	0,180	19,3	26,7	0,234	0,006
14	О	5,00	12,0	42,0	19,0	10,8	10,4	0,80	0	0	0	19,9	26,6	0,254	0,005
15	П	0,00	0,00	0,68	24,3	29,1	10,4	11,2	24,30	0,241	0,184	20,5	26,8	0,206	0,009
16	Р	4,30	27,6	19,6	18,8	18,4	3,3	1,20	6,80	0	0	20,2	26,7	0,225	0,007
17	С	0,00	0,00	0,00	4,6	41,8	10,9	21,4	21,30	0,225	0,15	20,7	26,7	0,198	0,009
18	Т	0	0	0,3	1,2	6,60	44,9	25,8	21,20	0,243	0,126	20,2	27,1	0,167	0,019

**Мисол.** Талаба рейтинг дафтарчасининг рақами № 43089, яъни талабанинг шифри асосида **қурилишга мўлжалланган майдоннинг бош режасини (харитасини), тузинг,** горизонталлар баландлигини, грунт шароитини, қатламлар қалинлигини аниқланг, бурғуланган қудуқларнинг қирқимини (колонкосини) ҳамда қурилиш майдонининг геологик қирқимни тузинг.


1. 1-жадвалнинг 8 рақамли қатори ва 9 рақамли устуни кесишган жойдаги (9) рақам қурилиш майдонининг варианты бўлади.

2. Қурилиш майдонининг варианты (9) асосида 2-жадвалдан қурилиш майдони горизонталларининг сон қийматлари танланади ва 7 – жадвалга киритилади.

## Қурилиш майдонидан ўтган горизонталларни қайт қилиш жадвали

Қурилиш майдони т/р	Горизонталлар индекси					
	а	Б	В	г	Д	е
9	132.25	132.50	132.75	133.0	133.25	133.50

3. Танланган горизонталлар (3- жадвал) курилиш майдони режасига киритилади



4. 24-жадвалдан (8+9=17) рақамлар йиғиндиси 17 қатори ва 9 рақам устуни кесишмасидаги 20 рақам асосида грунт шароити танланади.

5. 24-жадвалдан олинган грунт шароитининг рақами 20 асосида 25 – жадвалдан курилиш майдонини ташкил қилган грунт қатламларининг қалинликларини, жойлашиш чуқурлиги ва ер ости суви сатҳи қудуклар бўйича олинади, 29 – жадвалга киритилади, бурғуланган қудуклар бўйича қирқим (колонка) ҳамда курилиш майдонининг геологик қирқими курилади.

29 – жадвал.

**Қудуклар бўйича грунт қатламларининг қалинлиги, жойлашиш чуқурликлари ва ер ости сувининг жойлашиш сатҳи**

Вариант т/р	Қудук №1						Қудук №2						Қудук №3					
	Грунт қатламларининг индекси, қалинлиги ва жойлашиш чуқурликлари					Г.С.С.	Грунт қатламларининг индекси, қалинлиги ва жойлашиш чуқурликлари					Г.С.С.	Грунт қатламларининг индекси, қалинлиги ва жойлашиш чуқурликлари					Г.С.С.
	1	2	3	4	5		1	2	3	4	5		1	2	3	4	5	
20	Б $\frac{1.5}{1.5}$	К $\frac{2.1}{3.6}$	И $\frac{4.3}{7.9}$	Ж $\frac{3.1}{11}$	З $\frac{4.1}{15.1}$	4.3	Б $\frac{1.6}{1.6}$	К $\frac{2.2}{3.8}$	И $\frac{4.4}{8.2}$	Ж $\frac{3.2}{11.4}$	З $\frac{4.2}{15.6}$	4.3	Б $\frac{1.7}{1.7}$	К $\frac{2.3}{4.0}$	И $\frac{4.5}{8.5}$	Ж $\frac{3.3}{11.8}$	З $\frac{4.2}{16.0}$	5.3

6. 29 - жадвалда келтирилган маълумотлар асосида бурғуланган қудуқлар бўйича қирқим (колонка) ҳамда қурилиш майдонининг геологик қирқими қурилади.

**Бурғуланган биринчи қудуқнинг геологик қирқими (колонкоси)**

Геологик ёши	Қурилиш майдонини ташкил қилган грунт қатларининг номланиши	Консистенция кўрсаткичи	Намлик даражаси	Қирқим	Қатлам қалинлиги, м.	Қатлам асосининг жойлашиш чуқурлиги, м	Қатлам асосининг сон, м. киймати	Ер ости сувининг сатхи
	Тўқилма қатлам	-	-		1.5	1.5	131.15	4.3
	Ярим қаттиқ ҳолатдаги соф лой (глина)	Ярим қаттиқ	-		2.1	3.6	129.05	
$P_2$	Ўргача йирикликдаги майда кум	-	Сувга тўйинган		4.3	7.9	124.75	
	Пластик ҳолатдаги кумлоқ грунт (супесь)	Пластик	-		3.1	11.0	121.65	
$al-Q_{III}$	Ярим қаттиқ ҳолатдаги кумоқ грунт (суглинок)	Ярим қаттиқ	-		4.1	15.1	117.55	


**Бурғуланган иккинчи қудқнинг қирқими (колонкоси)**

Геологик ёши	Курилиш майдонини ташкил қилган грунт катларининг номланиши	Консистенция кўрсаткичи	Намлик даражаси	Қирқим	Қатлам қалинлиги, м.	Қатлам асосининг жойлашиш чуқурлиги, м.	Қатлам асосининг сон, м.	Ер ости сувининг сатхи
	Тўқилма қатлам	-	-	#	1.6	1.6	131.27	4.3
	Ярим қаттиқ ҳолатдаги соф лой (глина)	Ярим қаттиқ	-		2.2	3.8	129.07	
<i>P<sub>2</sub></i>	Ўртача йирикликдаги майда қум	-	Сувга тўйинган		4.4	8.2	124.67	
	Пластик ҳолатдаги қумлоқ грунт (супесь)	Пластик	-		3.2	11.4	121.47	
<i>al-Q<sub>III</sub></i>	Ярим қаттиқ ҳолатдаги қумок грунт (суглинок)	Ярим қаттиқ	-		4.2	15.6	117.27	

**Бурғуланган учинчи қудқнинг қирқими (колонкоси)**

Геологик ёши	Курилиш майдонини ташкил қилган грунт катларининг номланиши	Консистенция кўрсаткичи	Намлик даражаси	Қирқим	Қатлам каллиги, м.	Қатлам асосининг жойлашиш чуқурлиги, м	Қатлам асосининг сон, м.	Ер ости сувининг сатхи
	Тўқилма қатлам	-	-	#	1.7	1.7	131.37	5.3
	Ярим қаттиқ ҳолатдаги соф лой (глина)	Ярим қаттиқ	-		2.3	4.0	129.07	
<i>P<sub>2</sub></i>	Ўртача йирикликдаги майда кум	-	Сувга тўйинган		4.5	8.5	124.57	
	Пластик ҳолатдаги кумлок грунт (супесь)	Пластик	-		3.3	11.8	121.27	
<i>al-Q<sub>III</sub></i>	Ярим қаттиқ ҳолатдаги кумок грунт (суглинок)	Ярим қаттиқ	-		4.2	16.0	117.07	

7. Қурилиш майдонида жойлашган бурғуланган қудуқларнинг қрқими (колонкаси) асосида қурилиш майдонининг геологик қрқими қурилади.



10- расм. Қурилиш майдонининг геологик қрқими

1-тўқилма қатлам, 2- ярим қаттиқ ҳолатдаги соф лой (глина),3- ўртача йирикликдаги, ўртача зичликдаги, сувга тўйинган майда қум, 4-пластик ҳолатдаги қумлоқ грунт (супесь), 5- ярим қаттиқ ҳолатдаги қумоқ грунт (суглинок).

## VI. ЗАМИН ГРУНТЛАРИНИНГ ФИЗИК ВА МЕХАНИК ХОССАЛАРИНИ АНИҚАШ

Қурилиш майдони грунтларининг физик хоссалари ҳар хил чуқурликдан олинган намуналарни лаборатория ёки дала шароитида таҳлил қилиш ва синаш натижалари асосида аниқланади (30 – жадвал).

30 – жадвал

### Қурилиш майдони грунтларининг физик-механик хоссалари

Т/р	Грунт индекси	Грунтнинг дондорлиги, % ҳисобида								Намлик чегараси		Грунт зарраларининг зичлиги	Грунт зичлиги	Табиий намлиги W 0.10 - 0.05 мм	Сикилиш коэф. m <sub>v</sub> 0.05 - 0.01 мм
		>2,0 мм	2.0-0.5 Мм	0.5 - 0.25 мм	0.25-0.10 мм	0.10 - 0.05 Мм	0.05 - 0.01 мм	0.01 - 0.005 мм	<0.005 мм	>2,0 Мм	Пластилик				
1	2	3	4	5	6	7	8	1	2	3	4	5	6	7	8
20	Б $\frac{1.6}{1.6}$	Тўқилма										1.72		0,25	-
	Ж	0,00	0,30	0,5	0,4	2,10	22,60	35,4	38,70	0,270	0,235	19.8	2.68	0,254	3,1*10 <sup>-3</sup>
	З	0,00	0,50	1,40	9,3	21,50	21,30	24,4	21,60	0,384	0,279	1.72	2.72	0,300	4,4*10 <sup>-3</sup>
	И	0,00	8,20	25,30	54,8	3,00	4,10	1,90	2,70	0	0	1.95	2.66	0,284	5,2*10 <sup>-2</sup>
	К $\frac{2.1}{3.6}$	0,00	0,00	1,70	3,9	22,90	21,90	35,70	13,90	0,454	0,253	1.94	2.72	0,280	1,4*10 <sup>-8</sup>

“Б” индексли биринчи қатлам, қалинлиги 1,6 м бўлган тўкилма грунждан иборат.

“К” индексли иккинчи қатлам 1.6 м дан 3.8 м гача чуқурликда жойлашган бўлиб, унинг қалинлиги 2.2 м.

$$W_L = 0.454 \quad W_P = 0.253 \quad \gamma_e = 27.2 \frac{\text{кН}}{\text{м}^3} \quad W = 0,280$$

1. “К” индексли иккинчи қатламдаги лойли грунтнинг номини, унинг пластиклик сонининг қиймати асосида ҚМҚ дан аниқланади

$I_p = W_L - W_P = 0,454 - 0,253 = 0,201$ ;  $I_p > 0,17$   $I_p = 0,201 > 0,17$  бўлганда, грунт соф лой бўлади.

2. Соф лойнинг ҳолати унинг оқувчанлик кўрсаткичига қараб аниқланилади

$$I_L = \frac{W - W_p}{W_L - W_p} = \frac{0,280 - 0,253}{0,454 - 0,253} = 0,13$$

( $0 < I_L = 0,13 < 0,25$ ) бўлганда соф лой ярим қаттиқ ҳолатда бўлади.

3. Соф лойнинг қовушқоқлик кучини, ички ишқаланиш бурчагини, деформатция модулини ҳамда ҳисобий қаршилигини аниқлаш учун унинг ғоваклик коэффицентини аниқлаш керак. Грунтнинг ғоваклик коэффиценти қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$e = \frac{\rho_s}{\rho} (1 + W) - 1 = \frac{2,72}{19,4} (1 + 0,280) - 1 = 0,82$$

Соф лойнинг қовушқоқлик кучини, ички ишқаланиш бурчагини, деформатция модулини ҳамда ҳисобий қаршилигини, унинг номи, ҳолати ҳамда ғоваклик коэффицентининг қийматлари бўйича ҚМҚ жадвалидан олинган маълумотлар асосида қуйида келтирилган ифодалар орқали аниқланади:

1. Қовушқоқлик кучи

$$C_{(e)} = \frac{e - e_1}{e_2 - e_1} |C_{(e_2)} - C_{(e_1)}| + C_{(e_1)} = \frac{0,82 - 0,75}{0,85 - 0,75} [47 - 54] + 54 = 49,1 \text{ кПА}$$

2. Ички ишқаланиш бурчаги

$$\varphi_{(e)} = \frac{e - e_1}{e_2 - e_1} |\varphi_{(e_2)} - \varphi_{(e_1)}| + \varphi_{(e_1)} = \frac{0,82 - 0,75}{0,85 - 0,75} [18 - 19] + 19 = 18,3^\circ$$

3. Деформатция модули

$$E_{0(e)} = \frac{e - e_1}{e_2 - e_1} |E_{(e_2)} - E_{(e_1)}| + E_{(e_1)} = \frac{0,82 - 0,75}{0,85 - 0,75} [18000 - 21000] + 21000 = 18900 \text{ кПа}$$

4. Ҳисобий қаршилиги

$$e_1 = 0,8 \quad R_{0(1,0)} = 300 \text{ кПа}; \quad R_{0(1,1)} = 200 \text{ кПа};$$



$$e_2 = 1,1 \quad e = 0,82 \quad R_0 = ?$$

$$R_{0(2,0)} = 250 \text{ кПа}, \quad R_{0(2,1)} = 100 \text{ кПа}$$

$$R_{0(e=0,82; I_L=0,13)} = \frac{1,1 - 0,82}{1,1 - 0,8} [(1 - 0,13) \cdot 300 + 0,13 \cdot 200] + \frac{0,82 - 0,8}{1,1 - 0,8} [(1 - 0,13) \cdot 250 + 0,13 \cdot 100] = 283,2 \text{ кПа}$$

“И” индексли учинчи қатлам 3,8 м. дан 8,2. м гача чуқурликда жойлашган бўлиб, унинг қалинлиги 4,4 м.

$$W_L = 0,0; \quad W_L = 0; \quad \gamma = 19,5 \frac{\text{кН}}{\text{м}^3} \quad \gamma_s = 26,6 \frac{\text{кН}}{\text{м}^3}; \quad W = 0,284$$

1. Грунтларнинг тури, номи пластик сонига қараб аниқланади.

$I_p = W_L - W_p = 0; \quad I_p < 0,01$  бўлганлиги учун, бу қатламда қумли грунт жойлашган.

2. Қумли грунтнинг номи унинг донадорлик таркибига қараб қуйдаги келтирилган тартибда аниқланади

- Заррачаларнинг % миқдори > 2 мм- 0% < 25%;
- Заррачаларнинг % миқдори > 0,5 мм- 8,2% < 50%;
- Заррачаларнинг % миқдори > 0,25 мм- (8,2+25,3)=33,5% > 50 %;
- Заррачаларнинг % миқдори > 0,1 мм- (33,5+54,8)=88,5% > 75 %.

0,1 мм дан ката заррачаларнинг % миқдори, 88,5% ташкил қилди, бу кўрсаткич 75 % дан катта бўлганлиги сабабли ҳисоблашни тўхтатилади ҚМҚ да келтирилган жадвал асосида қараладиган қумли грунтнинг( донадорлик таркиби бўйича )номи - **майда қум** экан.

3. Қумнинг зичлигини унинг ғоваклик коэффицентининг қийматига қараб ҚМҚ да келтирилган жадвал асосида аниқланилади

$$e = \frac{p_s}{p} (1 + W) - 1 = \frac{2,66}{1,95} (1 + 0,284) - 1 = 0,75 \quad 0,6 < 0,75 \leq 0,75$$

$0,6 < e = 0,75 \leq 0,75$  майда қум **ўртача зичликга** эга экан.

